

**ҲАМИДХОН ИСЛОМИЙ  
МАҲМУДХОН ҲАСАНИЙ**

**МАВЛОНО ОРИФ  
ДЕГГАРОНИЙ**

**Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти  
Тошкент - 2007**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти  
Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Масъул муҳаррир – **Саидбек ҲАСАНОВ,**  
филология фанлари доктори.

Мазкур рисолада машҳур шайх Амир Кулолнинг халифаси, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг сафдоши Мавлоно Ориф Деггаронийнинг ҳаёти ва фаолияти, комил инсонни тарбиялаш йўлидаги меҳнатлари, хожагон тариқатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва тасаввуф тарихида тутган ўрни баён қилинган.

Рисола маънавиятимиз ҳамда тасаввуф тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар – **Нигора САФАРОВА,**  
фалсафа фанлари номзоди.

**Мавжуда РАЗЗОҚОВА,**  
тарих фанлари номзоди.

## МУҚАДДИМА

**М**устақиллигимиз туфайли ўтмишдан қолган бой ёзма меросимизни эркин ўрганишга кенг йўл очилгани шарқшунос олимларнинг ғайратига ғайрат қўшди. Собиқ Иттифоқ даврида қўл уриш мумкин бўлмаган асарларни энди бемалол варақлай оламиз, улар устида тадқиқотлар ўтказмоқдамиз, илмий жиҳатдан ўрганиб, нашр қилмоқдамиз.

Мустақилликнинг ўн беш йили ичида бу соҳада амалга оширилган ишларни санаб ўтишнинг ўзи анчагина саҳифани ташкил этар эди. Шундай бўлса ҳам, буюк муҳаддис олимлар Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, ақойид ва тавҳид илмининг буюк намояндаси Абу Мансур ал-Мотуридийни, буюк фақиҳ Бурҳонуддин ал-Марғинонийни шу ерда эслаб ўтиш жоиздир. Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний, Маҳмуд ал-Замахшарий, Занги Ато, Абу Бакр Қаффол каби тасаввуф намояналари ҳамда олимларнинг илмий фаолиятлари ёки таълимотларининг ўрганилганлиги ёки ўрганилаётгани ҳам қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида боболаримиз томонидан ёзилган 25 минг жилддан ортиқ қўлёзма ва 28 минг жилддан иборат босма асарлар сақланмоқда. Бу асарларнинг кўпчилик қисми ҳали ўрганилмаган. Демак ҳали қанчадан-қанча олимларнинг номи элга маълум эмас. Масалан, Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, Али Сафийнинг “Рашаҳот”, Муҳаммад Дорошукуҳнинг “Сафинат ул-авлиё”, Лоҳурийнинг “Хазинат ул-асфиё”, Тоҳир Эшоннинг “Тазкираи нақшбандия”

асарларида минглаб машойихларнинг номлари келтирилган. Уларнинг ҳар бири ўз даврида маънавиятимизга хизмат қилганлар. Биз фақат ўтмишда яшаган тасаввуф аҳли ҳақида ёзилган асарлардан айримларини санаб ўтдик холос. Ўтмишда яшаб, фаннинг бошқа турли соҳалари бўйича қалам тебратган олимлар ҳақида ёзилган тазкира ва тарихий асарлар ҳам талайгина.

Юқорида зикр этилган асарлардаги олимлар ва тасаввуф аҳлларининг ҳаёти ва фаолияти, айтиб ўтганимиздек, деярли ўрганилмаган. Ана шундай кишилар қаторига Мавлоно Ориф Деггаронийни киритиш мумкин. Биз мазкур рисоламизда Деггаронийнинг устози, Деггаронийнинг ўзи, дўстлари ва шогирдлари ҳамда уларнинг фаолиятлари ҳақида баҳоли қудрат маълумот беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтишни хоҳлардикки, мазкур рисола Деггарондаги Жомий масжиди имом хатиби Саъдуллоҳ қори ҳамда мутавалли Эркинжон Ҳожининг илтимоси билан вужудга келди.



## НАВОИЙ ШАҲАРИГА САҒАР

**Х**укуматимиз қарори билан 2003 йилда Хожагон таъриқатининг асосчиларидан бири - Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг (1103-1179) 900 йиллик тўйини нишонлаш ҳақида қарор қилинди. Нафақат Тошкент, балки вилоятларда ҳам шу муносабат билан катта тайёргарликлар амалга оширила бошланди. Олимлар Ғиждувонийнинг ҳаётини ўрганиш, у ҳақда ёзилган асарларни тадқиқ этиш, олимнинг ўз қаламига мансуб бўлган асарларни нашрга тайёрлаш ишига киришиб кетдилар.

ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг олимлари одатда бундай тўйлар пайтида асосий юкни ўз устига оладилар. Негаки бундай улуғ зотларнинг асарлари шу институтнинг қўлёзмалар хазинасида сақланади. Демак уларни ўрганиш ҳам институт олимлари зиммасида бўлади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Институтнинг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Ориф Усмон, олимлардан Ҳамидхон Исломи, Маҳмуд Ҳасанийлар Ғиждувоний ҳақида рисоалар тайёрлашга бел боғладилар.<sup>1</sup>

Шарқшунослик институти ва илмий муассаса олимлари томонидан кўплаб мақолалар ёзила бошланди. Қисқаси, шундай қизғин тайёргарликлар жараёнида Навоий вилояти-

---

<sup>1</sup> Шу йили бу олимлар томонидан қуйидаги рисоалар босилиб чиқди: О.Усмон. Ғиждувоний таълимоти. Т.: Фан, 2003; Бухоройи шарифнинг етти пири. Тошкент-2003; М.Ҳасаний - Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Т.: Ўзбекистон, 2003; М.Ҳасаний, К.Қиличева. Ғиждувоний илм аҳллари хотирасида. Т.: Фан, 2003; М.Ҳасаний, М.Раззоқова. Ғиждувоний ҳақидаги рисола ва мақолалар. Т.: Фан, 2003; М.Ҳасаний. Ғиждувонийга таъзимнома. Т.: Адолат, 2003; Абдулхолиқ Ғиждувоний ва тасавуф. Илмий конференция маърузалари. Тошкент-2003; Ҳ.Исломи. Хожаи жаҳон - Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (нашрда).

дан Тошкентга таклифнома келди. Унда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Навоий Давлат педагогика институтида Фиждувонийнинг 900 йиллик тўйига бағишланган илмий анжуман ўтказилиши ёзилган бўлиб, Шарқшунослик институти олимларидан А.Ўринбоев, Ҳ.Исломиёв, М.Ҳасаний, О.Қориевларнинг номи қайд этилган эди. Шундай қилиб, юқоридаги олимлар ҳамда Тошкент Фалсафа ва ҳуқуқ институти олимларидан Ҳ.Алиқулов ва Р.Носиров, Тарих институтидан Э.Каримовлар биргаликда Навоий вилоятига йўл олди.

## ТОШМАСЖИДНИНГ ОЧИЛИШИ

Иккинчи октябр куни Навоий шаҳрига етиб келдик. Бизни Навоий Давлат педагогика институтининг ректори профессор Р. Раҳмонов, ижтимоий фанлар кефедрасининг муdiri Н.Сафарова кутиб олди. Эртасига эрталаб Тошмасжиднинг очилиши ва ўша ерга боришимизни айтишди.

Эрталаб меҳмонхона ҳовлисида йиғилдик. Институт ректори Р. Раҳмонов бошчилигида Қизилтепа туманидаги Вангоза қишлоғига етиб келдик. Эрталаб соат 7 да қишлоқ марказида жойлашган Тошмасжиднинг очилиши бошланди.

Тошмасжид XVI асрнинг 1583 йилларида Бухоро ҳукмдори Абдуллахон (1557-1598) даврида қурилган. Бу даврда Сумитан (Чорбакр) қишлоғида истиқомат қилувчи жуйборий шайхларидан Хожа Саъд Жуйборий (вафоти 1597 й.) маблағига бунёд қилинган. Ўтмишда бу масжид гоҳ тикланиб, гоҳ хароба ҳолида бўлган. Собиқ иттифоқ даврида омборхона сифатида фойдаланилган.

2002 йил 31 майда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган сессиясида И.Каримов нутқ сўзлаб, Тошмасжидни ҳам тарихий обида сифатида тилга олади. Бу эса масжиднинг қайта тикланиши ва

таъмирланишига сабаб бўлди. Бу ишда Навоий вилоят ва Қизилтепа тумани ҳокимлиги ташаббус кўрсатдилар. Шу муносабат билан нашр этилган букламада масжидни таъмирлашда бош-қош бўлган Ўзбекистон маданият вазирлигига қарашли таъмиршунослик институти, Навоий вилояти тарихий ёдгорликларни сақлаш идораси, “Навоий шаҳар-лойиҳа” масъулияти чекланган жамияти, “Меъмор” ҳиссадорлик жамиятларининг хизматлари алоҳида кўрсатиб ўтилган. Аҳмад Боймуродов бошлиқ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўймакор-ганчкорлар, Шавқи Гадоев бошлиқ Бухородаги 51-МПКМК очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, шунингдек Қизилтепа туманидаги ўнлаб корхона, ташкилот, хўжаликлар ва тадбиркорларнинг катта хизматлари букламада таъкидланади.

Биз Тошмасжидга етиб келганимизда эҳсон дастурхони атрофида ўтирган сон-саноқсиз одамларни кўрдик. Бизларни ҳам иззату икром билан дастурхон атрофига ўтқазиди. Навоий вилояти ҳокими Б.М.Рўзиев Тошмасжиднинг очилиши билан табриклар нутқ сўзлади. Бу ердаги бошқа обидалар, жумладан, Хожа Ҳасан Андоқий мақбарасини ободонлаштириш ҳақида ҳам гапирди. Тошмасжидда меҳмонлар номидан олим Ҳ.Исломиёвга сўз берилди. У тошкентлик олимлар номидан табрик сўзларини айтди. Сўнг Тошмасжидни қайта тиклашда хизмат кўрсатган кишиларни мукофотлаш бошланди. Сўнг палов тортилди. Дастурхондан тургач, бу ерда танишимиз журналист Раҳим Мақсудовни учратиб қолдик.

## **АНДОҚИЙ ҲАҚИДАГИ РИСОЛАНИНГ ТУҒИЛИШИ**

Суҳбатимиз шу ерга етганда қизилтепалик Тўра Рўзиев ва Раҳим Мақсудовларнинг хизматларини таъкидлаб ўтишни лозим топамиз. Журналист Раҳим Мақсудов 3-4 йилдан

буён Шарқшунослик институти олимлари билан мулоқотда бўлади. У ҳар гал келганда Қизилтепа тумани ҳудудида жойлашган зиёратгоҳлар ҳақида рисола ёзиб беришни илтимос қилади ва ўн-ўнбешта номларни ўз ичига олган рўйхатни тақдим этади. У ҳечқачон эринмайди, ҳар ойда бир неча марта қўнғироқ қилиб, илтимосини такрорлашдан эринмайди.

Биз унинг илтимослари туфайли Хожа Ҳасан Андоқий (1071-1157) ҳақида рисола ёзишга киришдик. Маълумки, Андоқий Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг халифаси бўлиб, у Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийлар билан бирга Юсуф Ҳамадонийга қўл берган ва бир даврда яшаб, бирга фаолият кўрсатган эди. Биз манбаларни ўрганиш жараёнида Андоқий ҳаётини ёритиб бердик.<sup>2</sup>

Р.Мақсудов бу учрашувда ҳам Ҳ.Исломиий ва мен М.Ҳасанийдан Қизилтепа туманида дафн этилган уламолар ва машойихлар Наби Ажвандий, Хожа Муҳаммад Васиъ, Хожа Азизон, Хожа Порсо, Хожа Абдуллоҳ Баррақийлар ҳақида рисолалар ёзиб беришни илтимос қилди. “Тошрабат” ширкат хўжалиги раҳбари Тўра Рўзиев, адабиётшунос олим Тошпўлат Аҳмедов, журналист Раҳим Мақсудов, ёзувчи Жаҳонгир Исмоилов, жамоа хўжалиги муҳосиби Мўмин Ботировлар Андоқий рисоласига ёзган сўнг сўзларида рисола муаллифларига нисбатан миннатдорчилик изҳор қилиб, юқорида зикр этилган зотларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳам рисолалар бунёд қилиш лозимлигини таъкидладилар.

Р.Мақсудов Ҳ.Исломиий ва М.Ҳасанийдан биринчи галда Боязид Бистомий, сўнг эса Хожа Порсо ҳақида ёзиб беришни илтимос қилди. Биз бу илтимосни бажонидил қабул қилдик.

---

<sup>2</sup> Бу рисола Тошмасжиднинг очилишидан сўнг босилиб чиқди. Қаранг: М.Ҳасаний, М.Раззоқова. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий. Тошкент, 2003 й.



## ИЛМИЙ АНЖУМАННИНГ ОЧИЛИШИ

Тошмасжиддаги эҳсон дастурхонидан турганимиздан сўнг тўппи-тўғри Навоий Давлат педагогика институтига йўл олдик. Бу ерда анжуман маърузаларини ўз ичига олган “Хожагон тариқати ва Абдулхолиқ Фиждувонийнинг маънавият тарихидаги ўрни” номли китоб қўлимизга тегди. Китобдан ҳаммаси бўлиб 70 та мақола ўрин олган эди. Бу эса анжуманга катта тайёргарлик кўрилганидан далолат берар эди.

Анжуманни Навоий вилояти ҳокими Б.М.Рўзиев очди. У Фиждувонийнинг 900 йиллик тўйи муносабати билан келган меҳмонларни ҳамда барча анжуман қатнашчиларини қизғин табриклади. У, жумладан, шундай деди:

“Ҳаммамизга маълумки, мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан бебаҳо хазина сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди... Ана шундай хайрли ишлардан бири Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний таваллудининг 900 йиллиги тантаналари жаҳон миқёсида кенг нишонланмоқда”.

Вилоят ҳокими ўз табригида Хожа Абдулхолиқ Фиждувонийнинг маънавиятимиз тарихида тутган ўрни ва унинг ижодини ўрганиш зарурлигини уқтирди. У ўз табригини қуйидаги сўзлар билан якунлади:

“Ҳурматли анжуман қатнашчилари! Барчангизни ушбу анжуман билан чин кўнгилдан муборакбод этаман. Сизларга соғлик-саломатлик, ижодий ишларингизга ривож тилайман. Хайрли ишларингизда хожагонлар руҳи сизларга доимо мадакдор бўлсин!”

Шундан сўнг нотиклар бирма-бир сўзга чиқдилар. Тошкентлик олимлар қуйидаги мавзулар бўйича маъруза қилдилар:

1. Абдулхолиқ Фиждувоний тариқатининг Марказий Осиёда ёйилиши. Филология фанлари номзоди, Халқаро Имом ал-Бухорий мукофоти совриндори Ҳ.Исломиёв.

2. Мутасаввифлар меҳнат ва касб-ҳунарни эгаллаш хусусида. Фалсафа фанлари доктори, проф. Ҳ.Алиқулов.

3. Абдулхолиқ Фиждувоний тасаввуфий таълимотининг Хожа Аҳрор Валий ва Абдурахмон Жомий руқбаларида акс этиши. Тарих фанлари доктори А.Ўринбоев.

4. Фиждувоний ҳақида ёзилган “Маноқиб” ва “Мақомот” ҳамда уларнинг ягона нусхалари ҳақида. Тарих фанлари доктори М.Ҳасаний.

5. Хожагон таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти. Тарих фанлари доктори Э. Каримов.

Олимлардан Ҳ.Исломиёвнинг маърузаси диққатга сазовор бўлди. Анжуман охирида тингловчилар асосан Ҳ.Исломиёвга кўплаб саволлар билан мурожаат қилдилар. Унинг оташин жавоблари тингловчилар томонидан қарсақлар билан тақдирлаб турилди.

Олимлардан М.Ҳасанийнинг маърузаси ҳам янгилик сифатида қабул қилинди. Фиждувонийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган “Мақомот” ва “Маноқиб” китоблари ҳақида тушунча берилди. Олим Фиждувонийга атаб ёзган шеърини ҳам тингловчилар диққатига ҳавола қилди. Унда Фиждувоний, у ёзган рисолалар, хожагон ҳамда хожағони нақшбандия қоидалари баён қилинган эди. Ўқувчиларга фойдадан холий бўлмаслигини ҳисобга олиб, бу ерда уни тўлиқ келтиришни лозим топдик.

## ФИЖДУВОНИЙ

**Тариқат-и хожагон сардори Фиждувоний,  
Ушбу йўлнинг қуввату мадори Фиждувоний,  
Тасаввуф бир боғ бўлса баҳори Фиждувоний,  
Дил уйининг сафоси - оҳори Фиждувоний,  
Олимлар ичра дурри шаҳвори Фиждувоний.**

Абдулжамил бош бўлган хонадонда туғилди,  
Илму ирфон гуллаган бир замонда туғилди,  
Тупроқлари муборак ошиёнда туғилди,  
Бухоройи шарифда - Ғиждувонда туғилди,  
Яшин каби ёйилди осори Ғиждувоний.

Ғазрати Хизр бўлди ушбу йўлда жиловдор,  
“Зикри хуфия” йўлин қилди анга ошкор,  
Ғамадоний муршидга айладилар уни ёр,  
Икки зот мулоқотин қилди анда ихтиёр,  
Хизр эди доимо ғамхори Ғиждувоний.

Камолоти бобида Ғамадоний бош бўлди,  
Илму ирфон ўргатиб, анга кўзу қош бўлди,  
Юрагини ёритди, гўёки қуёш бўлди,  
Ясавию Баррақий, Андоқий йўлдош бўлди,  
Кўтарилди қалбидан ғубори Ғиждувоний.

Ғамадоний ўргатди, недур “Назар бар қадам”,  
“Сафар дар ватан” ичра қандай маъно мужассам,  
Ёки нимадур ўзи, десанг, агар “Ғуш дар дам”,  
Ё “Хилват дар анжуман”да қандай хислат эрур жам,  
Буларнинг бари бўлди шиори Ғиждувоний.

Ғиждувоний буларга “ёдкард”ни зам айлади,  
Орқасидан “Бозгашт”ни “ёдкард”га жам айлади,  
“Нигоҳдошт”ни ҳам қўшиб, яна кўркам айлади,  
“ёддошт”ни ёдга солиб, дилни хуррам айлади,  
Кундан-кунга кўпайди афкори Ғиждувоний.

Баррақийнинг етишгач олам аро вафоти,  
Андоқийнинг бошланди муршидликда ҳаёти,  
Ясавийга етишди сўнг пирлик илтифоти,

Туркистонга йўл олгач, бироқ Яссавий оти,  
Пирлик тахтининг бўлди сардори Ғиждувоний.

Пири ҳақида ёзди сўнг китоби “Мақомот”,  
“Одоби тариқат”и бу кунгача барҳаёт,  
“Гуфтори Ғиждувоний” элга буюк элтифот,  
Шеърларидан тилларга етар асалу набот,  
Ғиждувоннинг бу ширин гуфтори Ғиждувоний.

“Мақомот”да пирининг ҳолини баён қилди,  
Фикру пандини, қийлу қолини аён қилди,  
Наслу насаби, моҳу солини баён қилди,  
Риёзат бирла “илми ҳол”ини баён қилди,  
Анда баёнин топди иқрори Ғиждувоний.

“Гуфтори Ғиждувоний” ичра ажиб ҳикматлар,  
Руҳига озиқ олур айласа ким диққатлар,  
Юракдан кетар барча номувофиқ иллатлар,  
Юз бермагай кишида, амал қилса, зиллатлар,  
Ҳикмат билан суғоргай анҳори Ғиждувоний.

Баён қилинмиш анда, тавбаким, бир жаҳондур,  
Шайху мурид нимадур, зикрда не пинҳондур,  
Муҳаббату садоқат, сабру ризо, иймондур,  
Шукр ила тавакул Яратгандан эҳсондур,  
Тафвизу таслим бари гуфтори Ғиждувоний.

“Одоби тариқат”да ўз йўлги баён қилди,  
Авлиёи Кабирга барини аён қилди,  
Маънавий ўғли учун туҳфаи жаҳон қилди,  
Ушбу рисола бирла кўпни нуктадон қилди,  
Шогирдидан қизиди бозори Ғиждувоний.  
Унга деди, бунайя, элингни эъзоз айла,

Катта кичикка хулқу атворингни соз айла,  
Раҳму мурувват билан қалб уйин пардоз айла,  
Вадаларга вафо қил, яхшини ҳамроз айла,  
Яхшилик денгизининг дурбори Фиждувоний.

Мовароуннаҳрга ёйди илму ирфонни,  
Ўзига ром айлади барча аҳли замонни,  
Шогирдлари лол қилди шайху шоби жаҳонни,  
Кўкларга кўтардилар шуҳрати Фиждувонни,  
Кундан-кунга очилди гулзори Фиждувоний.

Элда бўлди доимо “Хубб ул-ватан” шиори,  
Фиждувонга аталган бордур неча ашъори,  
Кеча-кундуз бўлдилар элу юртнинг ғамхори,  
Ожизу бечоралар юрагининг мадори,  
Ҳеч кимсага етмади озори Фиждувоний.

Хожа Аҳмад Сиддиқким, тўрт халифа аввали,  
Хожа Авлиё Кабир юрагининг зарҳали,  
Хожа Сулаймон эса лаззатию асали,  
Хожа Орифи Ревгар бу бобда энг сарҳали,  
Ушбу тўртта халифа нисори Фиждувоний.

Фойдалар топди ундан Баҳоуддин Нақшбанд,  
Нақшбанднинг кўнглига нақшини айлади банд,  
Бу улуғ пир фикридан бўлди улуғ баҳраманд,  
Фармонига бўлдилар бир умрлик мустаманд,  
Юрагига жо бўлди асрори Фиждувоний.

Фиждувоний йўлини айладилар бардавом,  
Амалга оширмоқда кўрсатди кўп эҳтимом,  
Саккизта қондани элга сингдириб мудом,  
Яна уч қондани баён айлаб субҳу шом,  
Юрагига ёғилди анвори Фиждувоний.

Ўша учтадан бири “Вуқуфи замоний” дур,  
“Вуқуфи ададий” си қоидаи соний дур,  
“Вуқуфи қалбий” эса бир сирри ниҳоний дур,  
Жами ўн бир қоида маънода жаҳоний дур,  
Нақшбандга сингиди атвори Фиждувоний.

Фиждувоний ҳақида ёзилди бир “Маноқиб”,  
Бир ажойиб асарки, тўймагай киши боқиб,  
Муаллифи Фазлуллоҳ, ёзди жонини ёқиб,  
Ўқиганга келади Илоҳий нурлар оқиб,  
Бошдан-оёқ муҳаббат изҳори Фиждувоний.

Фиждувоний ҳақида ёзилди бир “Мақомот”,  
“Мақомот” ким, кишига баҳшида айлар ҳаёт,  
Пирнинг улуғ ишлари топиб дур анда исбот,  
Унинг ҳар бир сўзлари офизга қанду новвот,  
Жаҳонда йўқ дур асло такрори Фиждувоний.

Фиждувонинг муборак ушбу қутб ул-ақтоби,  
Ҳатто бизнинг кунгача сўнмагандир офтоби,  
Яна юзлаб асрга етгай ёзган китоби,  
Эй Маҳдум, эл қалбида пирнинг эзгу хитоби,  
Истиқлолдан гул очди баҳори Фиждувоний.

## ДЕГГАРОН ЗИЁРАТИ

Илмий анжуман охирига етиб, меҳмонлар шарафига зиё-  
фат берилгач, Навоий Давлат педагогика институтининг рек-  
тори Р. Раҳмонов зиёратгоҳларни кўриб келишни таклиф  
этди. Биз Фиждувонга бориш истагимиз борлигини айтдик.

- Йўл-йўлакай бошқа тарихий обидаларни ва зиёратгоҳ-  
ларни ҳам кўриб келасизлар, - деди ректор.

Кичкина автобусда йўлга чиқдик. Бизга педагогика инсти-

тути ижтимоий фанлар кафедрасининг доценти, илмий анжуманнинг асосий ташкилотчиларидан бири Нигора Сафарова ва ўқитувчи Шоира ҳамроҳлик қилди.

- Мана, сардоба ва карвонсаройга етиб келдик, - деди Нигора.

Автобусдан тушиб, аввало карвонсаройни тамоша қилдик. Карвонсаройнинг асосан фундаментлари қолган экан. Сўнг сардобани тамошо қилдик. Яна анчагина йўл юриб, Қосим Шайх зиёратгоҳига етиб келдик. Бироздан сўнг, яна машинага ўтириб, Гиждувонга йўл олдик. Бироқ йўлда:

- Бизнинг Деггарон қишлоғимизга кириб ўтмайсизларми? - деб қолди Шоира.

- У ерда нима бор? - дейишди бошқалар.

- Машҳур шайх Мавлоно Ориф Деггаронийнинг қабри ва у ердаги қадимий масжид бор, - деди Шоира.

Маълум бўлишича, Шоира шу қишлоқдан бўлиб, шаҳарга турмушга чиққан экан.

Биз ўнга яқин олимлар масжид эшигига яқинлашдик. Масжиднинг Имом хатиби Саъдуллоҳ, мутавалли Эркин Ҳожи ва бошқа бир неча киши бизни ғоят очиқ чехра билан кутиб олдилар. Масжидга кирдик, ғоят баҳайбат, томлари баланд, файзли жой эди. Айтишларича, бу масжиднинг қурилган деври маълум эмас экан. Кимдир исломнинг илк даврида, кимдир исломдан аввал қурилган, дер экан. Имом ва мутавалли масжид ҳақида тўлқинланиб сўзлаб бердилар.<sup>3</sup>

Имомдан:

- Бу ерда жума намози ўқиладими? - деб сўрадим.

- Ҳа, ўқилади, - деди имом.

- Маърузада фикҳга оид қандай китобдан фойдаланасиз? - деб сўрадим.

- “Мажмаъ ул-Мақсуд”дан, - деди имом.

---

<sup>3</sup> Масжид ҳақида кейинроқ яна тўхталамиз.

“Мажмаъ ул-Мақсуд” тошкентлик Мақсудхўжа исмли етук олим ва шоирнинг “Мухтасар ул-Виқоя” номли китобга ёзган шарҳи эди. “Мухтасар” эса бухоролик Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг фиқҳ (ислом ҳуқуқшунослиги)га оид асари бўлиб, мадрасаларда ўқитилиб, ҳатто ёд олдирилар эди. Бу асарга араб ва форс тилларида кўплаб шарҳлар ёзилган эди. Мақсудхўжа эса уни биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиб, кўплаб фиқҳий асарлар асосида шарҳ ҳам битган эди. Бу асар “Адолат” нашриёти томонидан эллик минг нусхада нашр этилган.<sup>4</sup>

- Шу китобни нашрга тайёрлаган одамни биласизми? - деб сўрадим.

- Маҳмуд Ҳасаний нашрга тайёрлаган, лекин у одам билан шахсан учрашмаганман, - деди имом.

- Бўлмаса, учрашиб турибсиз, - дедим мен.

- Э, сиз Маҳмуд Ҳасаниймисиз?! - қувониб кетди имом.

Суҳбатлашиб, аста мавлоно Ориф Деггаронийнинг файзосор қабри томон юзландик. Деггароний қабрини, чилла-хонани кўрдик. Имом қуръон ўқиди, фотиҳа қилдик. Бу ердаги қадимий қудуқнинг шифобахш сувидан ичдик.

- Деггароний масжиди жуда қадимий, ҳар томонлама ўрганишга арзийдиган обида, - деди қайтаётганимизда мутавалли Эркин Ҳожи. - Мавлоно Ориф Деггароний эса улуғ зот, Баҳоуддин Нақшбанднинг дўсти ва суҳбатдошларидан бири. Биз бу ерни обод қилишимиз, катта зиёратгоҳга айлантиришимиз керак. Бунинг учун Деггаронийнинг ким эканлиги ҳақида китоб ёзиш керак. Бизга бухоролик Садриддин Салим Бухорий ваъда берган, бироқ ҳозирча бу иш амалга ошмаяпти.\*

---

<sup>4</sup> Қаранг: Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа “Мажмаъ ул-Мақсуд” ёки “Мухтасар ул-Виқоя”нинг ўзбекча шарҳи. Нашрга тайёрловчилар - М.Ҳасаний, А.Ҳасаний, У.Ҳасаний. Т.: “Адолат”, 1996 й.

\* Кейинроқ ваъда қилинган бу асар ҳам нашр этилди.



Жўнаш олдидан ёнимдан бир рисола чиқариб Эркин Ҳожи-га бердим. Бу Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақидаги рисола бўлиб, олима К.Қиличева билан бирга ёзилган ва номи “Ғиждувоний илм аҳллари хотирасида” деб аталар эди. Мутавалли, имом ва ходимлари рисолани қўлма-қўл қилиб, кўришга бошлашди.

Унда Муҳаммад Порсо, Абдураҳмон Жомий, Али Сафий, Муҳаммад Толиб, Носириддин ал-Ҳанафий, Муҳаммад Дорошукуҳ, Мавлавий Фулом Сарвар, Халил Иброҳим Сорий, Васлий Самарқандий, Саъид Нафисий каби олимларнинг Ғиждувоний ҳақидаги фикрлари берилган эди. Буни кўрган Эркин Ҳожи ва шериклари менга ёпишиб олишди.

- Институтингиздаги қўлёзмалар хазинасида китоблар кўп, уларда албатта Деггароний ҳақидаги маълумотлар бўлиши шубҳасиз, биз сиздан илтимос қиламиз, бу хайрли ишга ёрдам беринг, Деггароний ҳақида рисола битиб беринг! - деб ялинишга тушди Эркин Ҳожи.

Мен Ҳамидхон ака Исломий билан бу илтимосни, иложи борича, бажаришга ваъда бердик. Сўнг машинага ўтириб, Ғиждувонга жўнадик. Шу куни янги қурилаётган Ғиждувоний зиёратгоҳини ҳам кўриб, Навоий шаҳрига қайтдик.

Мен ва Ҳ.Исломий, Эркин Ҳожининг илтимосига жиддий қарамаган эдик. Тошкентга қайтганимиздан сўнг, ордан ўн кунлар ўтгач, Эркин Ҳожи ўз илтимосини эслатиб, кўнғироқ қилди. Шундан сўнг кўнғироқлар устма-уст бўла бошлади. Охири бу ишга қўл уришга аҳд қилдик ва рисола-ни бошлашга азм қилдик.



## II БОБ

### ДЕГГАРОНИЙ СУВ ИЧГАН ЧАШМАЛАР

**М**авлоно Ориф Деггароний тасаввуф илмининг улуф намояндаси эди. У ўз даврида кўплаб муридларни тарбиялади, халқни Ҳақ йўлига даъват қилди. Эл орасида шуҳрат қозонди. Тасаввуфда юқори босқичга кўтарилди. Унинг шу даражага етишига кимлар сабабчи бўлди?

Биз биламизки, куруқ чўлда ўз-ўзидан бир дарахт кўкармайди. Демак, Деггаронийнинг ҳам камолотга эришувида тарбия берган устозлари бўлган. Бу устозлар уни тасаввуф боғига олиб кирган ва уни тасаввуфнинг обиҳаётидан суфурганлар. Демак, Деггаронийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлашдан аввал у сув ичган чашмалар ҳақида ёзмасак, фикримиз нотўлиқ бўлиб қолиши муқаррар.

### ТАСАВВУФ НИМА?

Тасаввуф том маънодаги покланиш бўлиб, бу йўлдаги киши инсонга хос бўлган барча ёмон хислатлардан покланиши, энг яхши хислатлар билан безаниши, комил инсонга айланиши, охир-оқибатда Худо ризолигини топиб, унга етишишдир. Тасаввуф йўлидаги киши одатда сўфий деб аталади. Ўтмишда яшаган машҳур сўфийларнинг ҳар бири тасаввуф ва сўфийлик ҳақида фикр билдирганлар. Масалан, Шайх Шиблийнинг айтишича, жаҳонда фақат Аллоҳдан ўзгани кўрмайдиган киши сўфийдир. Ҳасрийнинг айтишича, сўфий шундай кишики, унинг борлигида йўқлик, йўқлигида борлиқ бўлмайди. Жунайднинг айтишича, тасаввуф бу - истафо (танлаш) бўлиб, ҳар ким Аллоҳдан ўзга нарсалардан ажралган ва танлаб олинган бўлса, ўша сўфийдир. Абулҳасан Ҳарақоний эса: “Сўфий бу - тани ўлик, дили йўқ, жони куйган

кишидир” дейди.<sup>5</sup> Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

## ТАСАВВУФ СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ

Тасаввуф ёки сўфий сўзининг маъноси ва келиб чиқиши ҳақида ҳар хил манбаларда турли маълумотларни учратиш мумкин. Баъзи олимлар бу сўзни суффа сўзидан олинган дейдилар. Пайғамбаримиз тириклик пайтларида уларнинг уйлари ёнида суффа бўлиб, саҳобалар шу суффада ўтирганлар ва узоқ-яқиндан келган кишиларга Расулulloҳдан эшитган оят ва ҳадисларни, шариат йўлларини ўргатганлар. Улар тақво эгалари бўлиб, Худо йўлига ўзларини тикканлар. Улардан ўрнак олган кишилар ҳам “Асҳоби суффа” (Суффа соҳиблари)дан ўрнак олганлари учун ўзларини сўфий деб атаганлар. Айрим олимлар эса сўфий сўзи арабча “суф” (жун)дан олинган дейдилар. Негаки бу тоифа жундан қилинган либос кийганлар. Бундан бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Аммо кўпчилик “сўф” (жун)дан дейишга мойилдир. Арабча “суф” сўзидан тасаввуф сўзи ясалган.<sup>6</sup> Тасаввуф сўзи эса сўфийлик йўлини билдиради.

Энди тасаввуф масаласига келганда, бу таълимотни тушунишни кўпдан-кўп уламолар ўзларига мақсад қилиб келганлар. Бу тўғрида Алишер Навоий «Насойим»да ёзади: «Биров Абу Ҳафз қуддиса сирруҳудин сўрдиким, тасаввуф недур? Деди: Сўфий ҳаргиз сўрмағайки сўфи кимдур».

Шайхул ислом (пири Ҳаравий Абу Исмоил Ансорий - Ҳ.И.) дедиким, бу илм Тангрининг асроридур». Демакки, тасаввуф илми, бу Аллоҳнинг сирларига йўл тутиш илми

---

<sup>5</sup> Салоҳ ибн Муборак. Анис ут-толибин ва уддат ус-соликийн. Теҳрон, 1371 й., 9-б.

<sup>6</sup> Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Н.Комилов. Тасаввуф. 1-китоб. Тошкент “Ўзувчи”, 1996 й.

экан. Бунда илм ибораси бор экан, бу фан демакдир. Яъни: Аллоҳ таъолонинг сирларидурки, у оддий бандасига бу илмни юқтирмагандир. Бу тўғридаги яна бир аниқ тушунчани энг буюк авлиёлардан бўлган Абдулқодир Жилоний (1077-1165) «Сиррул-асрор»да ёзади: «Тасаввуф калимаси тўрт ҳарфдан иборат: То (т), Сод (с), Вов (в), Фо (ф).

То: Тавбани ифода этади. Бу иккига бўлинади. Зоҳирий тавба, ботиний тавба.

Сод: Сафо (ёруғлик, равшанлик, порлоқлик. Ҳ.И.) ҳолини ифода этади.

Вов: Валоят (валийлик - Ҳ.И.) ҳоли. Бу ҳол ички оламнинг сафиятига тузилгандир.

Фо: Фано – йўқолиш мақомидир. Илоҳий сифатлар орасига кириб кетмишдир».<sup>7</sup>

## ТАРИҚАТЛАР

Тариқат арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси йўл ва усулни билдиради. Истилоҳ маъносида эса сўфийлик йўлини, унинг маълум тармоғини ва сўфийликдаги маълум босқични билдиради.<sup>8</sup>

Шарқ оламида Суҳравардия, Чиштия, Қодирия ва Яссавия каби тариқатлар мавжуд бўлган. Тариқатнинг маъно ва амал қилинадиган қоидалари жуда кенг бўлиб, бу ерда улар ҳақида батафсил тўхташ имкони йўқ.<sup>9</sup>

---

<sup>7</sup> Ҳамидхон Исломи. Абу Мансур Мотуридий. Т.: «Адабийт ва санъат» нашриёти, 2000. 15-16-бетлар.

<sup>8</sup> Қаранг: Ислом. Справочник. Тошкент - 1989 й., 252-б.

<sup>9</sup> Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Н.Комилов. Тасаввуф. 1-китоб, 20-б. Садриддин Салим бухорий. Дилда ёр. Тошкент - 1993, 20-б.

## СИЛСИЛА

Тариқат йўлига кириб, бу соҳада муршид даражасига эришган ҳар бир улуф зот силсила занжирига дохил бўлади. Бошқача айтганда авлиёлик тарбиясини бирорта пирдан олади ва бу тарбия пирдан пирга ўтади. Тасаввуф истилоҳи бўйича бу тарбия “нисбат” деб аталади. Масалан, Мавлоно Ориф Деггароний тариқат нисбатини Саййид Амир Кулолдан олган.

Ҳар бир силсила бошида, албатта, Пайғамбар алайҳис салом турадилар. Расулуллоҳдан Абу Бакр Сиддиқ разийаллоҳу анҳуга, улардан Қосим ибн Муҳаммад разийаллоҳу анҳуга, улардан Жаъфари Содиқ разийаллоҳу анҳуга, улардан Боязид Бистомийга, улардан Абул Ҳасан Ҳарақонийга, улардан Абу Али Формадийга, улардан Хожа Юсуф Ҳамадонийга ўтган.

Мавлоно Ориф Деггароний ва унинг устозлари ҳаётида Хожа Юсуф Ҳамадоний ва унинг муридлари катта таъсирга эга бўлгани учун Ҳамадоний ва унинг издошлари ҳақида бироз тўхталиб ўтамиз.

## ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ

Ҳамадонийнинг тўлиқ илми Хожа Абу Яъқуб ибн Юсуф ибн Аййуб Ҳамадоний бўлиб, 440/1048 йилда Ҳамадон шаҳарининг Фанимия маҳалласида таваллуд топган.<sup>10</sup> Ўн саккиз ёшга тўлмасдан аввал илм олиш учун Бағдодга боради ва Шайх Абу Исҳоқ Шерозийдан таълим олади. Табобат ва бошқа диний илмлар соҳасида талабалардан олдинлаб кетади. Бағдод, Самарқанд ва Исфаҳонда ҳадис илмини ўрганади.<sup>11</sup> Тариқатга кириб, риёзат билан машғул бўлади. Бу бо-

<sup>10</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот. Нашрга тайёрловчи М.Ҳасаний. Тошкент, Абу Али ибн Сино номидаги нашриёт, 2003 й., 12-б.

<sup>11</sup> Анис ут-голибин, 19-б.

рада Шайх Абдуллоҳ Жувайний, Шайх Ҳасан Саммосий ва Шайх Абу Али Формадийлардан таълим олади.<sup>12</sup>

Ҳамадоний ғоятда камтарона ҳаёт кечирган. Косибчилик билан шуғулланиб, ундан тушган ҳақни бева-бечора ва етимларга тақсимлаб берган. У пиёда юришни хуш кўрган. Ҳажга 38 марта пиёда борган. 8000 мингта бутпарастни мусулмон қилган. Мактаб очиб, дарс айтган ва кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Унинг илм ва тасаввуф борасида Шарқ оламида ном таратган тўртта шогирди бўлган. Булар Хожа Ҳасан Андоқий (вафоти - 550/1155), Хожа Абдуллоҳ Баррақий (вафоти - 552/1157), Хожа Аҳмад Яссавий (вафоти - 562/1166) ва Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний (вафоти - 1179) эдилар.<sup>13</sup>

Юсуф Ҳамадоний хожагон тариқатининг асосчиларидан бири бўлиб, бу тариқатда амал қилиниши зарур бўлган қуйидаги тўртта қондани баён қилган:

1. Ҳуш дар дам, яъни ҳар бир нафасни ҳушёрлик билан олиш.
2. Назар дар қадам, яъни қадамни ўйлаб босиш.
3. Сафар дар ватан, яъни ватанда сафар қилиш.
4. Хилват дар анжуман, яъни одамлар орасида ўзини хилватда тургандек ҳис этиш.

Бу тўрт қоида жуда чуқур мазмунга эга бўлиб, уларни бу ерда чуқур шарҳлашнинг имкони йўқ.<sup>14</sup>

Ҳамадонийнинг буюк зотлиги ва фазилатлари ҳақида кўплаб тазкира, мақомот ва маноқибларда маълумотлар келтирилган. Ғиждувоний ўз пири Ҳамадонийга атаб “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний” номли асар ҳам ёзган. Унинг қисқартмаси ўзбек тилида нашр қилинган.<sup>15</sup>

---

<sup>12</sup> Рашаҳот, 12-б.

<sup>13</sup> М.Ҳасаний, М.Раззоқова. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий. Тошкент - 2003, 9-б.

<sup>14</sup> Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Сўз боши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. Тошкент “Ўзбекистон” 2003, 7-10-бб.

<sup>15</sup> Ўша китоб, 102-111-бб.

Юсуф Ҳамадоний “Рутбат ул-ҳаёт” (Ҳаёт мартабалари), “Манозил ус-сойирин” (Сайр қилувчиларнинг манзиллари), “Манозил ус-соликийи” (Сулукдагиларнинг манзиллари) каби бир қатор асарларнинг муаллифидир. Унинг “Рутбат ул-ҳаёт” асари ўзбек тилида Тошкентда нашр қилинган.

Ҳамадоний 535/1140 йилда вафот этди. Қабри Марв (ҳозирги Мари)да жойлашган.<sup>16</sup>

## ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ

Хожа Абдулхолиқ Фиждувонийнинг номи юртимизда кўпчиликка маълум. Бу эса Фиждувонийнинг 2003 йилда бўлиб ўтган 900 йиллик тўйлари туфайлидир. Шунга қарамасдан бу йирик мутасаввуф олим ҳақида маълумот бериб ўтамыз.

Фиждувоний 1103 йилда Бухоронинг Фиждувон шаҳарида таваллуд топади. Унинг отаси Абдулжамил асли туркияли бўлиб, замон ҳодисалари туфайли Бухорога келиб қолади. Фиждувоний мадраса илмларини имом Садриддин номли мударрисдан олади. Йигирма икки ёшга етганда Бухорода Хожа Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, тариқат йўлига киради ва соҳада катта камолот ҳосил қилади.<sup>17</sup> Ўзи ҳам халқни Ҳақ йўлига даъват қилиш билан шуғулланади. “Зикри дил” билан шуғулланади, яъни зикрни овоз чиқармай айтишни жорий қилади. Хожа Муҳаммад Порсо Фиждувонийга юқори баҳо бериб “Фасл ул-хитоб”да: “Ҳазрати Хожа Абдулхолиқнинг йўллари тариқатда ҳужжатдир” деб ёзади.<sup>18</sup>

Хоа Абдулхолиқ Фиждувоний ўз пири Хожа Юсуф Ҳамадоний йўлини давом эттирди ва уни ривожлантирди. Ҳама-

---

<sup>16</sup> М.Ҳасаний, К.Қиличева. Фиждувоний илм аҳллари хотирасида. Т.: “Фан” 2003, 12-б.

<sup>17</sup> Рашаҳот, 29-б.

<sup>18</sup> Хожагон тариқати, 13-б.

доний тайин қилган тўртта қоидага у ҳам тўртта қоида қўшиб, ҳаммасини 8 тага етказди. Бу тўрт қоида қуйидагилардир:

1. Ёдкард - Аллоҳ исмини овоз чиқармай, дилда такрорлаш.

2. Бозгашт - қайтиш, яъни “ло илоҳа иллаллоҳ”нинг сўнггидан “Худовандо, менинг мақсудим Сенсан” дейиш.

3. Нигоҳдошт - сақлаш, яъни хаёлни ёт фикрлардан асраш.

4. Ёддошт - ёдда тутиш, яъни Аллоҳни барча ҳолда ёддан чиқармаслик.<sup>19</sup>

Абдулҳолиқ фиждувонийдан бизгача бир неча асарлар етиб келган. Улардан бири “Васиятнома” бўлиб, маънавий фарзанди Хожа Авлиёи Кабирга бағишланган. Бу асар “Рисолаи васоё” (Васиятлар рисоласи), “Одоби тариқат” (Тариқат одоби), Жомий ул-калом” (Ҳикматли сўзлар мажмуаси) каби ҳар хил номлар билан атаб келинади.<sup>20</sup>

Фиждувоний томонидан ёзилган асарлардан яна бири “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний” (Хожа Юсуф Ҳамадоний мақомоти) ёки бошқача “Рисолаи соҳибийа” (Дўстлик рисоласи) асаридир. Фиждувоний бу рисолада ўз пирининг ҳаёти ва фаолиятини тўлиғича ёритиб берган.

Шундай қилиб, Фиждувоний хожагон тариқатини ривожлантириш билан бирга комил инсонни тарбиялаш йўлида катта хизмат кўрсатди. Қуйидаги байтлар ҳам шундай далолат беради:

Фиждувонийким, улуғ бир зот эди.

Олам ичра соҳиби оёт эди.

Суҳбат айлаб қанчалар аҳбоб ила,

Қилдилар акмал барин одоб ила.

---

<sup>19</sup> Тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Хожа Абдулҳолиқ фиждувоний, 5-12-б.

<sup>20</sup> Қаранг. М.Ҳасаний, М.Раззоқова. Фиждувоний ҳақидаги рисола ва мақолалар. Т.: “Фан” 2003, 9-10-б.



Хонақоҳ ичра кириб шому саҳар,  
Илму ирфон бирла қилди баҳравар.  
Эл учун айлаб фидолар ўзини,  
Очди кўпларнинг басийрат кўзини.  
Суҳбатидан бўлди минглар файзёб,  
Ташналаблар топдилар бағрига об.  
Гўйиё бир Жибрили шаҳпар эди,  
Оғзидан не чиқса чун гавҳар эди.  
Сўз ила эл қалбига солди гудоз,  
Илму ҳикмат бирла қилди сарфароз.<sup>21</sup>

Ғиждувоний юбилейи муносабати билан нашр қилинган рисолалар билан ўқувчиларни таништириб ўтамиз.

1. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Сўз боши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. Т.: Ўзбекистон, 2003.

2. М.Ҳасаний, М.Раззоқова. Ғиждувоний ҳақидаги рисола ва мақолалар. Т.: Фан, 2003.

3. О.Усмон. Ғиждувоний таълимоти. Т.: Фан, 2003.

4. М.Ҳасаний. Ғиждувонийга таъзимнома. Т.: Фан, 2003.

5. О.Усмон. Бухоройи шарифнинг етти пири. Тошкент - 2003.

6. Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақолалар тўплами. Т.: Фан, 2003.

7. Хожагон тариқати ва Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг маънавият тарихидаги ўрни. Навоий - 2003.

8. М.Ҳасаний, К.Қиличева. Ғиждувоний илм аҳллари хотирасида. Т.: Фан, 2003.

## МАВЛОНО ОРИФ РЕВГАРИЙ

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг тўртта халифаси бўлган. Улар Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир,

<sup>21</sup> М.Ҳасаний. Ғиждувонийга таъзимнома, 10-11-б.

Хожа Сулаймон Карминий ва Хожа Ориф Ревгарийлар эди.

Хожа Ориф Ревгарий Бухоро туманларидан бирида жойлашган Ревгар қишлоғида туғилади. Қабри ҳам шу ерда жойлашган.<sup>22</sup> Баъзи манбада унинг вафот йили 648/1250, бошқа манбада эса 715/1315 деб кўрсатилган.<sup>23</sup>

Ориф Ревгарий бошқа халифаларга нисбатан кенг фаолият кўрсатган ва хожагонлар силсиласига пир сифатида кирган. Хожа Ориф Ревгарий “Моҳитобон” лақаби билан ҳам машҳур бўлган. Тасаввуфшунос олим О.Усмон уни Бухоронинг етти пирларидан бири сифатида талқин қилади.<sup>24</sup>

Тоҳир Эшон “Тазкираи нақшбандия” асарида Ориф Ревгарийга катта баҳо беради ва уни қуйидаги сифатлар билан тилга олади: “Ул ҳодийи гўмгаштағони роҳи залолат ва ҳомили амонат, жабру хиёнатдан қочғучи, исолат тожининг зубдаси, мулку малакут оламини сайр эткучи, арвоҳу жабарут оламиға тараққий қилғучи, лоҳут оламининг султони, дунё оламининг бурҳони, орифи ҳаққоний, муршиди Раббоний, осмону замин оламини тасхир қилғучи, олами қамарийни қамар сифат мунаввар эткучи, яъни Ҳазрати Орифи Ревгарий қуддиси сирруҳудир”.<sup>25</sup>

Тоҳир Эшон Ориф Ревгарийни Ғиждувонийнинг тўртинчи халифаси эканини таъкидлар экан, ўзи томонидан форсча ёзилган қуйидаги байтларни келтиради:

Баъд аз эшон мужарради ду жаҳон,  
Номи уро ту Хожа Ориф дон.  
Лек худро бикарда ў унвон,  
Карда худро ба нури Ҳақ пинҳон.

---

<sup>22</sup> Рашаҳот, 49-б.

<sup>23</sup> Анис ут-толибин, 22-б.

<sup>24</sup> О.Усмон Бухорои шарифнинг етти пири. Тошкент - 2003, 67-б.

<sup>25</sup> Тоҳир Эшон. Тазкираи нақшбандия. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 856, 95<sup>б</sup>-б.

Лақабаш дар миёна қаттол аст,  
Ҳолик аст ҳар кужо, ки баттол аст.  
Машав аз вай аз ту ҳеч вақт малол,  
Сифати ўст аз сифоти жалол.  
Ў-ки қабраш бабуд жойи Бухор,  
Ревгар бувад деҳааш, эй ёр.  
Чун вужудаш буд ҳамчу ганж,  
Фавти ў шашсад асту бисту панж.  
Ҳар ки зи асрораш бохабар бошад,  
Мухлисаш нек мўътабар бошад.  
Он жаноб гар кунад ба қаҳр каси,  
Паймолаш бабуда ҳамчу хаси.  
Раҳмати Ҳақ ба руҳи покаш бод,  
Жаннат ул-хулд ҳамиша жойаш бод.<sup>26</sup>

Мазмуни:

Ундан, яъни фиждувонийдан сўнг у икки оламда  
ягона зотдир,  
Унинг номини Хожа Ориф деб бил.  
Лекин у ўзини унвон қилиб,  
Ҳақ нури ичида пинҳон қилган.  
Унинг лақаби эл ичида “қаттол” дир,  
Қайда баттол бўлса, уни ўлдирувчидир.  
Сендан унга ҳеч малоллик етмайди,  
Унинг сифати Жалол (Аллоҳ) сифатидандир.  
Унинг қабри Бухоронинг,  
Ревгар номли қишлоғидадир.  
Унинг вужуди гўё ганжга ўхшарди,  
Вофоти эса олти юз йигирма бешда (1227) бўлди.  
Ҳар ким унинг сирларидан воқиф бўлса,

---

<sup>26</sup> Ўша асар, 97<sup>б</sup>-98<sup>а-б</sup>.

Унинг мўътабар мухлиси бўлади.  
Ул жаноб кимгаки қаҳр қилса,  
У одам хашакдек поймол бўлади.  
Ҳақ раҳмати руҳи покига бўлсин,  
Боқий жаннат ҳамиша жойи бўлсин.

“Рашаҳот” да ёзилишича, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг силсила нисбати ва иродати Хожа Ориф Ревгарийга етишадди.<sup>27</sup>

Тоҳир Эшон “Матлаб ут-толибийн” китобига суяниб ёзишича, Хожа Ориф Ревгарий Хожа Аҳмад Яссавий билан учрашган.<sup>28</sup>

Доктор Халил Иброҳим Сорий ўғлининг “Анис ут-толибийн” китобига ёзган сўз бошисида айтилишича, Хожа Ориф Ревгарий ҳақида “Мақомот” ёзилган бўлиб, у Саъид Нафасий томонидан “Фарҳанги Эронзамин” китобида 1333 йили ҳижрийда нашр этилган.<sup>29</sup> Саъид Нафасийнинг ёзишича, “Мақомот”нинг ёзилган йили ва муаллифи номаълум бўлиб, олим уни “Мақомоти Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ва Хожа Орифи Ревгарий” (Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ва Хожа Ориф Ревгарий мақомоти) деб атаган. Худди шу нусханинг бошқа бир нусхаси ЎЗР ФА ШИ фондида ҳам сақланмоқда. У М.Ҳасаний томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентда нашр этилган.<sup>30</sup>

Хожа Ориф Ревгарийнинг бирорта рисола ёзгани маълум эмас эди. Бироқ 1993 йили Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллик тўйи муносабати билан покистонлик олимлар Ревгарий томонидан ёзилган “Орифнома” рисоласини олиб келиб, бухоролик олимларга туҳфа қилдилар. Бу рисола тасав-

---

<sup>27</sup> Рашаҳот, 49-б.

<sup>28</sup> Тоҳир Эшон. Тазкираи нақшбандия, 98<sup>б</sup>-б.

<sup>29</sup> Анис ут-толибин, 22-б.

<sup>30</sup> Қаранг: Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, 51-72-б.

вуфшунос олим Ориф Усмон томонидан таҳлил этилган бўлиб, бу ерда унинг мазмуни ҳақида тўлиқ тўхташга имкон йўқ.<sup>31</sup>

## ХОЖА МАҲМУД АНЖИРФАҒНАВИЙ

Хожагон силсила занжиридаги зотлардан яна бири, Хожа Ориф Ревгарийнинг халифаси Хожа Маҳмуд Анжирфағнавийдир. Хожа Маҳмуд, “Рашаҳот”да ёзилишича, Вобкан туманига қарашли Анжирфағнав қишлоғида туғилган ва шу ерда дафн қилинган.<sup>32</sup> Ўз даврининг йирик шайхи бўлган бу зот катта обрў ва эътиборга эга бўлган.

Тоҳир Эшон “Тазкирайи нақшбандия” асарида уни: “Бузругвори ҳазрати маъбудий, матлаъи шамси масъудий” дер экан, у ҳақда ўзининг қуйидаги байтларини келтиради:

Баъди Ориф бидон ба он масъуд,  
Фаҳри аброр Хожаи Маҳмуд.  
Олими вақти маънавий омад,  
Шуҳрати Анжирфағнавий омад.  
Сарвари халқу раҳбари дин аст,  
Мушки у на хито, на аз Чин аст.  
Буда аз авлоди Саййиди Арабий,  
Аз чароғони Аҳмади набавий.

Мазмуни:

Хожа Ориф Ревгарийдан сўнг бахтиёрликда,  
Пок зотларнинг фаҳри Хожа Маҳмуддир.  
Маънавий оламнинг олими эди,  
У Анжирфағнавий қишлоғининг шуҳрати бўлди.  
У халқ сарвари ва дин раҳбари эди,

<sup>31</sup> Қаранг: Бухорои шарифнинг етти пири, 67-85-б.

<sup>32</sup> Рашаҳот, 49-б.

У Хитой ёки Чин мушки эмас эди.  
У Араб Саййиди (пайғамбар) авлоди,  
Ва Аҳмади набий нуридандир.

Тоҳир Эшоннинг ёзишича, Хожа Маҳмуднинг қабри қаерда экани номаълум бўлиб, уни уч ерда қабри бор, дейдилар:

Шинави ин ки гўфтам, эй сарвар,  
Дар китобе бидидам, эй сарвар.  
Қабри ў дар се жой мадфун аст,  
Ҳақ бидонад кўжо ки макнун аст.

Мазмуни:

Айтганларимни эшитгинки,  
Бир китобда ўқишимча,  
Унинг қабри учта ерда дейилади,  
Унинг қаерда кўмилгани фақат Ҳаққа маълум.

Тоҳир Эшон бу учта жой қайси эканлигини қуйидагича баён қилади:

Кас надонад ҳақиқати сирри кор,  
Қабри ў ҳаст ба мавзеи зи Бухор.  
Баъзи гўфтаанд ба Анжирфағнаҳ,  
Ҳаст машҳур мисли моҳу маҳ.  
Баъзи гўфтанд ба қаръаи Шир (ин),  
Дафни ў шуд шинидаам ман ин.  
Баъзи гўфтанд ба балдаи Вобкан,  
Қабри ў ҳаст шаҳодат аз чанд тан.

Мазмуни:

Бу ишнинг ҳақиқатини ҳеч ким билмайди,  
Унинг қабри Бухоро мавзеидан бирида.  
Баъзиларнинг айтишича, Анжирфағнада бўлиб,  
Ой ва қуёшдек машҳурдир.  
Баъзиларнинг айтишича, Шир (ин) қишлоғида,  
Унинг жасади дафн этилганини эшитдим.

Баъзиларнинг айтишича, унинг қabri,  
Вобкандда бўлиб, бир неча киши гувоҳдир.

Тоҳир Эшон уч ерда қabr бино қилинганини қуйидагича тушунтиради: “Хожа Маҳмуд вафот қилгач, Анжирфағнада, Вобкан қалъасининг яқинида ва Вобканга яқин Ширин номли қишлоқда яшовчиларнинг барчаси Хожа Маҳмуд қabri бизга яқин бўлсин, деган орзуда эдилар. Жаноза ўқилгач, даҳшатли шамол туради, чанг ва тўзон ичида ҳеч нарса ни кўриб бўлмайди. Шамол босилгач, қарашса, тобут жойида йўқ эди. Ҳар уч қabрга боришса, қabрларга тупроқ тортилган эди. Ҳар уч ер одамлари ўзларича, ул жанобнинг жасади бизнинг қabрда, деб хаёл қилишади ва орадаги низо босилади”.<sup>33</sup>

“Рашаҳот” ва “Тазкираи нақшбандия” китобларида ёзилишича, Хожа Маҳмуд гилкорлик билан шуғулланиб, шу билан тирикчилик қилган. У Хожа Ориф Ревгарийнинг ишораси билан “зикрия жаҳрия” (зикрни овоз чиқариш билан айтишни) жорий қилган.<sup>34</sup> Тоҳир Эшоннинг ёзишича, Хожа Маҳмуднинг Саййид Умар номли ўғли бўлиб, ундан бир неча фарзандлар туғилган ва катта шуҳратга эга бўлганлар.

Хожа Маҳмуднинг вафот йили “Рашаҳот” ва “Тазкирайи нақшбандия”да келтирилмаган. “Анис ут-толибийн”да эса икки ихтилоfli сана келтирилади. Улардан бири 685/1286 бўлса, қолган икkitаси 710/1310 ва 715/1315 дир.<sup>35</sup>

## ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ

Ҳазрати Азизон номи билан машҳур бўлган Хожа Али Ромитаний Хожа Маҳмуд Анжирфағнавийнинг иккинчи ха-

<sup>33</sup> Тоҳир Эшон. Тазкираи нақшбандия, 99<sup>б</sup>-б.

<sup>34</sup> Рашаҳот, 49-б ва Тазкираи нақшбандия, 97<sup>б</sup>-б.

<sup>35</sup> Анис ут-толибийн, 23-б.

лифаси эди. Баҳоуддин Нақшбанд Ромитанийнинг муборак кулоҳини кийишга муваффақ бўлиб, бу зотни ўз устози сифатида кўп марта тилга олади. Йирик тасаввуф вакиллари Ромитанийга юксак баҳо берганлар. “Рашаҳот” муаллифи Жомийнинг “Нафаҳот” китобидаги Мавлоно Жалололдин Румийнинг қуйидаги байтини келтиради:

Гар на илми ҳол фавқи қол будй, кай шудй,  
Банда аёни бухоро Хожайи насोजро.<sup>36</sup>

Мазмуни:

Дунёвий илм авлиёлик илмидан устун бўлса,  
Бухоро аёнлари тўқувчи Хожага қул бўлишармиди?

“Рашаҳот”да Ромитанийга кенг ўрин берилган бўлиб, унинг ҳикматли сўзлари 16 та рашҳа (фасл)да келтирилган.

Хожа Али Ромитаний Ромитанда туғилиб, Хоразмда вафот этган. “Анис ут-толибийн”да унинг вафот йили ҳақида қуйидаги байтни келтиради:

Ҳафтсаду понздаҳ зи ҳижрат буд,  
Бисту ҳаштум зи моҳ зу-л-қаъда.<sup>37</sup>

Мазмуни:

(Вафоти) ҳижратдан етти юз ўнбешда (1315),  
Зу-л-қаъда ойининг йигирма саккизида эди.

Хожа Али Ромитаний ҳақида Тоҳир Эшон ажойиб мисралар яратган бўлиб, унда Ромитаний хислатлари, фаолияти, ёши ва қабри ўз ифодасини топган.

Баъди Маҳмуд азизи ҳар ду жаҳон,  
Ба ҳидоят кашид халқи жаҳон.

---

<sup>36</sup> Рашаҳот, 52-б.

<sup>37</sup> Анис ут-толибийн, 23-б.



Ҳусни ахлоқи ў кабир омад,  
Синни авқоти ў касир омад.  
Номи Эшон бидонки Хожа Алист,  
Тобиъи Ҳаққу ҳам мутиъи набист.

Мазмуни:

Икки жаҳон азизи бўлган Хожа Маҳмуддан сўнг,  
Жаҳон халқини ҳидоятга етаклади.  
Унинг чиройли хулқи улуғ эди,  
Умри ҳам уни узун бўлди.  
Билгинки, унинг номи Хожа Алий бўлиб,  
Ҳаққа тобиъ ва Набийга мутиъ эди.

Унинг туғилган жойи ва ёши ҳақида қуйидагиларни ўқий-  
миз:

Мавлидашро, бидонки, Ромитан,  
Руҳи маҳзанд намуда андар тан.  
Чун Худо “иржиъаш” бо жазм хонд,  
Тани худ дар замини Хоразм монд.  
Синни Эшон расиди бо саду си,  
Раҳмати Ҳақ ба руҳаш саду си.  
Рав ту таърихи фавти ў бархон,  
Ҳафтсаду понздаҳ зи ҳижрат дон.

Мазмуни:

Билгинки, туғилган жойи Ромитандир,  
Бу ерда унинг танига руҳ кирди.  
Худо унинг “қайтишини” аниқ чақиргач,  
Танини Хоразм заминида қолдирди.  
Унинг ёши бир юз ўттизга етди,  
Аллоҳ раҳмати ҳам бир юз ўттиз йил.  
Унинг вафот йилини ҳижратдан сўнг,  
Етти юз ўнбеш (1315), деб ўқи.<sup>38</sup>

---

<sup>38</sup> Тоҳир Эшон. Тазкирайи нақшбандия, 103<sup>б</sup>-б.

Ромитаний яхшигина шоир ҳам бўлган. Ундан қолган ажойиб рубоийларнинг бир қанчаси “Рашаҳот”, “Тазкирайи нақшбандия” ва бошқа китобларда мавжуд.

Ромитаний томонидан ёзилган “Даҳ шарт” (ўн шарт) ёки “Рисолайи Ҳазрати Азизон” (Ҳазрати Азизоннинг рисола-си) бизгача кўплаб қўлёзма нусхада етиб келган ва Ҳиндистонда тошбосма усулида нашр қилинган. Рисола М.Ҳасаний томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Кейинроқ И.Қосимов ва Г.Наврўзова томонидан 1994 йилда Бухорода нашр қилинди.<sup>39</sup> Унинг таҳлили эса О.Усмон томонидан амалга оширилган.<sup>40</sup>

## ХОЖА МУҲАММАД БОБО САММОСИЙ

Хожа Муҳаммад Бобо Саммосий Хожа Али Ромитанийнинг афзал ва мукамал асҳобларидан бўлиб, Ромитанга қарашли Саммос қишлоғида таваллуд топган ва шу ерда 1354 йилда вафот этган. Қабри ҳам шу қишлоқда.<sup>41</sup>

Тоҳир Эшон бу зотни қуйидаги сифатлар билан тилга олади: “Ул бузругвори Борий таъоло, сайрун илаллоҳ ва маъаллоҳ мулкларининг солики, сайрун филлоҳ, сайрун аниллоҳ ва биллоҳ мақомларининг занг занандаси, олами нуронийнинг мавжи, ирфон баҳри қулзумининг авжи, яктойи дурри ятим, тариқат жодаси соликлари раҳнамолиги учун мустақим, залолат бодиясининг гўмгашталарини аҳадиёт сарҳадидин огоҳ қилғувчи, мухлис ва толиби содиқларни камолот авжиға еткурғувчи”.<sup>42</sup>

Хожа Муҳаммаднинг фазилатлари Тоҳир Эшоннинг қуйидаги байтларидан ҳам маълум бўлади:

---

<sup>39</sup> И.Қосимов, Г.Наврўзова. Хожа Али Ромитаний. Бухоро - 1994 й.

<sup>40</sup> О.Усмон. Бухоройи шарифнинг етти пири, 95-115-б.

<sup>41</sup> Рашаҳот, 61-б.

<sup>42</sup> Тоҳир Эшон. Тазкирайи нақшбандия, 108<sup>б</sup>-б.

Баъд аз эшон Муҳаммад Бобо,  
Ҳақ намояд чу равзааш барпо.  
Ки нишаста ба жойи Хожа Али,  
З-он ки ў ёфт тарбият зи Али.  
Муршиди вақту раҳбари даврон,  
Ҳодийи асру сарвари мардон.  
Токи аз насли Мустафо буд ў,  
Соҳиби сидқ ҳам сафо хушхў.

Мазмуни:

Ундан, яъни Хожа Алидан сўнг Муҳаммад Бобо,  
Қабрини Худо боқий қилсин.  
У Хожа Али ўрнига ўтирди,  
Чунки у Хожа Алининг тарбиясини топган эди.  
У вақт муршиди ва давр раҳбаридир,  
Асрнинг ҳодийси ва эрларнинг сарваридир.  
У Мустафо наслидан бўлиб,  
Тўғрилиқ ва сафо соҳиби ва хушхулқ эди.

Хожа Муҳаммаднинг туғилган ери ва вафот йилини қуй-  
идаги байтлардан билиш мумкин:

Муршиди ҳар тақий-у осий шуд,  
Масканаш дар жаҳон Саммосий шуд.  
Гар зиёрат куни Саммосийро,  
Битлаб аз Худо сад осийро.  
Гар ту таърихи ў бидони ёр,  
Ҳафсад дону низ бо сий-у чор.<sup>43</sup>

Мазмуни:

У ҳар бир тақводор ёки осийнинг муршиди эди,  
Бу оламда унинг маскони Саммосий эди.  
Агар сен Саммосийни зиёрат қиясанг,

---

<sup>43</sup> Ўша асар, 108<sup>6</sup>-б.

Худодан юзта осий гуноҳини тила.  
Эй дўст, агар сен унинг вафот йилини билмоқчи  
бўлсанг,  
Етти юз ўттиз бешинчи (1334) йилдир.

Хожа Муҳаммад Бобонинг номи Баҳоуддин Нақшбанд Ҳазратлари орқали бизга бирмунча машҳурдир. Чунки Баҳоуддиннинг туғилиши ҳақидаги Бобонинг башорати кўпгина китобларда зикр қилинган. Чунончи, “Рашаҳот” муаллифи ёзади: “Олар ҳар мартабаеким, Кўшки Ҳиндувонга ўтар эрдилар, айтур эрдиларким, бир покдин марденинг бўйи келурким, тез бўлғайким, Кўшки Ҳиндувон Қасри Орифон бўлур”.<sup>44</sup> Баҳоуддин Нақшбанд туғилгач, Муҳаммад Бобо уни фарзандликка қабул қилади. Сўнг унинг тарбиясини ўз муриди Саййид Амир Кулолга топширади ва дейди: “Фарзандим Баҳоуддиннинг ҳақида шафқат ва тарбият дариф этмагайсан ва санга биҳил этмасман тақсир этсанг”. Амир Кулол оёқ устида турдилар ва қўлларини сийналари устида қўйдиларким: “Мард бўлмагайман агар тақсир қилсам”.<sup>45</sup>

Тоҳир Эшон Бобойи Самосийнинг қабрини зиёрат қилгани, унинг авлодлари билан учрашган, қабри устида каромат содир бўлгани ҳақида ўз асарида муфассал баён қилган.<sup>46</sup>

## САЙЙИД АМИР КУЛОЛ

Саййид Амир Кулол Хожа Муҳаммад Бобойи Саммосийнинг энг улуғ ва афзал шогирдларидан биридир. Туғилган ва кўмилган ери Сухор қишлоғи.<sup>47</sup> Бу зот кўплаб кишиларни тарбия қилган. Бу зотнинг таърифини Тоҳир Эшон қуйидагича келтиради:

---

<sup>44</sup> Рашаҳот, 61-б.

<sup>45</sup> Ўша асар, 62-б.

<sup>46</sup> Тоҳир Эшон. Тазкираи нақшбандия, 109<sup>б</sup>-б.

<sup>47</sup> Рашаҳот, 62-б.

“Нажми шариат, қамари тариқат, офтоби ҳақиқий, мазҳари сифат ул-жалол, соҳиб ул-иззат ва-л-камол, яъни Ҳазрати Амир Саййид Кулол”.<sup>48</sup>

Тоҳир Эшон Амир Кулолга бағишлаб қуйидаги байтларни ёзган.

Баъди Бобо нишаст Мир Кулол,  
Файзи ў дар жаҳон чу оби зилол.  
Ихтиёраш ҳамиша фақру фаност,  
Вирд ў доимо ба зикру саност.  
Гўй зи майдон бибурд дар тоот,  
Ҳодийи вақт, сарвари содот.  
Дар ҳидоят ба мисли нажми ҳудо,  
Васфи ў шуд ҳамиша васфи Худо.  
Кай тавонам зи васфи ў ба баён,  
Ажзи ман ҳаст дар миёна аён.<sup>49</sup>

Мазмуни:

Бобойи Саммосийдан сўнг Амир Кулол  
(иршод тахтига) ўтирди,  
Унинг файзи оламда зилол сув каби эди.  
Унинг танлагани доимо фақрлик ва фано эди,  
Ўқийдиган вирди эса зикр ва сано эди.  
Тоатлар бобида майдондан тўпни (гўй)ни олиб  
кетди,  
У вақт ҳодийси ва саййидлар сарвари эди.  
Ҳидоятда тўғри йўлнинг юлдузи эди,  
Унинг васфи доимо Худонинг васфи эди.  
Унинг васфини қандай баён қила оламан,  
Менинг бу бобда ожизлигим аёндир.

Амир Кулол ҳақида турли манбаларда маълумотлар етиб келган. Аммо булар орасида “Мақомоти Амир Кулол” асари

<sup>48</sup> Тоҳир Эшон. Тазкирайи нақшбандия, 111\*-б.

<sup>49</sup> Ўша асар, ўша бет.

биринчи ўринда туради. Бу мақомот, Тоҳир Эшоннинг ёзишича, Амир Кулолнинг набираси томонидан ёзилган. Давримиз олимларидан баъзилари Амир Кулол ҳаёти ва мақомоти ҳақида ёзган бўлиб,<sup>50</sup> биз шу ўринда бу ҳақда батафсил тўхтамаймиз. Кейинги бобда Деггароний ва унинг ўз устози ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд билан муносабатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Биз бу ишимизда Мавлоно Ориф Деггаронийгача бўлган зотлар ҳақида қисқача маълумот бердик ва бу маълумотларимиз ҳозирги олимлар томонидан кам фойдаланилган манбалар асосида ёритилди. Бу зотлар орқали Хожагон тариқати ривожлана бориб, унинг усул ва йўллари Деггаронийгача етиб келган ва Деггаронийнинг буюк шахс сифатида камол топишига сабаб бўлган. Шу туфайли уларнинг таржимаи ҳоллари қисқача баён қилиб ўтилди. Энди эса Деггаронийнинг ҳаёти ва фаолиятини баён қилишга киришамиз.



---

<sup>50</sup> Қаранг: Наврўзова Г., Сафарова Н. Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий дунёқарашлари. Бухоро - 1996 й. Яна: О. Усмон. Бухорои шарифнинг етти пири, 122-129-б.

## 3 БОБ

### МАВЛОНО ОРИФ ДЕГГАРОНИЙ

#### ТАБАРРУК МАНБАЛАР

**М**авлоно Ориф Деггароний тўғрисида ўз замонидан бошлаб, ул зотнинг замондошлари томонидан ёзилган бир неча тарихий асарларнинг қўлёзмалари бизгача етиб келган. Бундан бошқа ул зоти шариф вафотидан сўнгра ёзилган тарихий асарлар, тазкиралар ҳам бизга қўлёзма шаклида етиб келган эди. Ушбу ҳужжатли манбалар Хожа Ориф Деггаронийнинг буюк олим, етук авлиё ҳамда ўз даврининг атоқли ва машҳур донишманд зоти бўлгани ҳақида қимматли маълумотларни беради. Ушбу маълумотлар Мавлоно Ориф Деггароний ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда, мўътабар манбалар бўлиб, муҳим аҳамиятга эга.

Мавлоно Ориф тўғрисида ёзилган асарлардан ҳозирча бизнинг қўлимизда мавжудлари қуйидагилардир:

1. Салоҳиддин ибн Муборак (вафоти 793/1390) ёзган “Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин” асари.

2. Муҳаммад Боқир 804/1401 йилда ёзган “Мақомоти Ҳазрати Хожа Бузурк” асари.<sup>51</sup>

3. Фахруддин Али Сафий 901/1503 йилда ёзган “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” асари.

4. Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Таййиб Хоразмий 1159/1746-47 йилда ёзган “Тазкирайи нақшбандия” асари.

5. Фулом Сарвар соҳиб Лоҳурийнинг 1320/1902 йилда Конпурда чоп этилган “Хазинат ул-асфиё” асари. (1284/1864 йили чоп этилган).

---

<sup>51</sup> Ушбу асар Маҳмудхон Ҳасанхон Махдум ўғли томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима этилиб, “Баҳоуддин балоғардон” номи билан 1993 йил “Ёзувчи” нашриётида чоп этилган.

6. Насируддин ал-Ханафий ал-Хасаний ал-Бухорийнинг 1324/1906 йилда ёзган “Тухфат уз-зоирин” асари.

Айтиб ўтганимиздек, бу асарлар Мавлоно Хожа Ориф Деггароний тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Қуйида ўша нодир асарларда ёзилган баёнлардаги лавҳаларга тўхталиб ўтамиз.

## ДЕГГАРОН ҚИШЛОҒИ ВА МАВЛОНО ОРИФ

Мавлоно улуғ ва машҳур кишиларнинг исми олдиға кўшилиб айтиладиган унвон бўлиб, Орифнинг буюк сифатига берилган эди. Мантиқ жиҳатидан - эға бўлувчи, йўл бошловчи маъносини англатади. Деггарон эса, Мавлоно Орифнинг туғилган ериға берилган нисбатдир. Бу ер Бухоронинг шимол томонидаги қадим замонлардан мавжуд Ҳазора қалъасининг ёниға жойлашган Деггарон отлиғ мавзеъ эди. Тарихда машҳур “Буюк ипак йўли” ана шу заминдан ўтгандир. Бу тўғрида кўп манбалар мавжуд. Ҳозирги кунда ҳам Деггарон қалъасининг қолдиқлари ва баъзи иншоотларнинг тепаликлари буюк ипак йўли изларининг мавжудлигини исботлаб берад экан, асрлар садоси у ернинг жаҳон маконлари ичида энг қадим маконларидан бири бўлганлиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Деггарон сўзи касб номини билдириб, қозон ясовчиларға нисбатан ишлатилади. “Он” кўшимчаси кўплик маъносини билдиради, демак Деггарон дегани “қозон ясовчилар” деганидир. Бошқача қараганда, Деггарон икки сўздан иборат бўлиб, дег - қозон маъносини билдирса, гарон - оғир ёки вазмин маъносини англатади. Бундан келиб чиқадики, оғир ёки вазминли қозон ясаладиган жой деб ҳам тушуниш мумкин. Ўз замонасида саноат маркази бўлган бу жойдан “Буюк ипак йўли”нинг кесиб ўтиши ҳам ўша қадим замонлардаги маҳаллий саноат тараққий этган макон эканини кўрсатиб туради.



Ёзма манбаъларнинг гувоҳлик беришича, Мавлоно Орифнинг табиатан феълидаги оғир босиқлиги ўша гарон - вазминликка ҳам ўхшатиб айтилар экан. Бундан келиб чиқадики, ўзи Деггарон аталмиш даҳада туғилгани ва бу унинг нисбасига айлангани бўлса, иккинчидан оғир босиқ, вазминлиги феълига монанд икки маънога ҳам эгалигидир.

Баъзи манбаларда эса муборак исми - Ориф олдига “Хожа” сифати ҳам қўшиб ёзилган. Бунинг боиси унинг “Хожгон” тариқий йўлига тобеъ бўлганини кўрсатиб туради.

## МАВЛОНО ОРИФНИНГ ДАСТЛАБКИ ПИРИ

Мавлоно Ориф Деггароний шахсияти тўғрисида Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳот” асарида қизиқарли маълумотлар баён этилган. Муаллиф Баҳоддин Қишлоқий тўғрисида ёзар экан, ул зот ўз замонасида зоҳирий ва ботиний илмларда етук йўлбошчи бўлганини ёзади. Каромат аҳли орасида эса машҳур авлиё бўлиб танилганини билдириб ўтади. Баҳоддин Қишлоқий Хожа Баҳоддин Нақшбандга ҳадис илми бўйича устод бўлгани, бошқа илмларида суҳбатдош шайхи эканини баён қилади. Али Сафий Мавлоно Ориф Деггароний тўғрисида қуйидаги қимматли маълумотни келтиради: “Мавлоно Баҳоддин Қишлоқий раҳималлоҳу таъоло, Мавлоно Ориф Деггаронийнинг падархондлари турурлар. Хизмати Мавлоно Ориф Амир Кулолнинг суҳбатлариға бормасдин аввал, аларнинг муриди эрди. Мавлоно Амир Ашраф ва Мавлоно Амир Ихтиёруддин Мавлоно Орифнинг хулафоларидин турурлар”.<sup>52</sup>

Демак Мавлоно Баҳоддин Қишлоқий Мавлоно Орифни болалиги чоғиданоқ ўз фарзандлигига олган ва қабул қил-

---

<sup>52</sup> Рашаҳот. Нашрга тайёрловчи М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Тошкент “Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти”, 2003, 76-бет.

ган бўлиб, унинг тарбиясини Баҳоуддин Қишлоқий ўз устига олгани маълум бўлади.

## МАВЛОНО ОРИФНИНГ ХАЛИФАЛАРИ

Али Сафий Мавлоно Амир Ашраф ва Мавлоно Амир Ихтиёруддинлар эса Мавлоно Ориф Деггаронийнинг ўринбосарлари, яъни халифалари бўлганларини кўрсатиб ўтади. Бу маълумотни Муҳаммад Тоҳир Эшон “Тазкирайи Нақшбандия” асарида ҳам ёзиб қолдирган. Асардаги матннинг аслини берамиз: “Ҳазрати Амир Ашраф Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг баёнидур. Ул муқтадойи аъраф (билимдонроқ)<sup>53</sup> ва раҳнамойи ахлаф, яъни ҳазрати Шайх Амир Ашрафдур. Айтурларким, ул соҳиби шараф Мавлоно Орифнинг халифаи аввалидур. Байт:

Баъди Ориф бидон Амир Ашраф,  
Бешакку бегумон бишуд ашраф.

Мазмуни:

Ориф Деггаронийдан сўнг Амир Ашраф,  
Шак ва шубҳасиз ашраф зотлардан бўлди.

Чунончи, “Ҳазрати мавлоно Орифнинг риҳлатидин сўнгра ул азизнинг ўрнида қойим мақом бўлуб, толибларни Худо азза ва жалланинг йўлига киргузди ва ул бобда бақадри имкон саъйи тамом кўргузуб, одамларни рост тарийққа солди”.<sup>54</sup>

Ҳазрати амир Ихтиёруддиндан олдин халифа бўлмиш Амир Ашрафни Фулом Сарвар Лоҳурий ўз асарида баён қилиб унинг нисбасига аниқлик бериб қуйидагича ёзади: “Хожа Ориф алайҳир раҳманинг икки халифаси бор эрди. Бири Мавлоно Ашраф Бухорий, иккиланчиси Амир Ихтиёр

<sup>53</sup> Қавс ичидаги изоҳлар ва шеърлар таржимаси муаллифларники.

<sup>54</sup> Ўша асар, 123<sup>а</sup>-варақ.

Деггароний эрдиким, Хожа Орифнинг вафотидин сўнгра иршод маснадида ўлтуруб, роҳи Ҳақдағи толибларни мақсудиға етурдирлар”<sup>55</sup>

Бундан маълум бўладики, Амир Ашраф асли бухоролик экани Бухорий нисбаси орқали кўрсатилган. Тоҳир Эшон «Тазкирайи Нақшбандия» асарида Амир Ихтиёр тўғрисида ҳам аниқ маълумот беради. Матннинг аслини келтирамиз:

“Ҳазрати Амир Ихтиёр Деггароний раҳматуллоҳ алайҳнинг баёни. Ул бузурквор ифтихори дин олим ба-асрори дин, яъни ҳазрати Амир Ихтиёруддин эрди. Айтурларким, ул азиз ҳазрати Мавлоно Ориф қуддиса сирруҳунинг иккиланчи халифаси эрди. Ул жаноби шарф маобнинг қабри мубораки Бухорода Косагарон отлиғ гузарда. Бизларнинг Хожамиким, Ҳазрати Мавлоно Косагароний раҳматуллоҳ алайҳининг авлодларидин, анинг Хумча отлиғ ҳавлиси яқинида эрди”<sup>56</sup>. Тоҳир Эшон Деггароний вафотидан уч аср кейин ёзган асарида баъзи маълумотларга мумкин қадар аниқлик киритиб борганини кўрамиз. Шу нуқтаи назардан, бошқа муаллифларнинг маълумотларини янада чуқурроқ бойитиб боргани сезилади. Шу боис Тоҳир Эшон ёзиб қолдирган “Тазкирайи нақшбандия” асарига яна мурожаат этамиз.

## МАВЛОНО ОРИФНИНГ СИФАТЛАРИ

Тоҳир Эшон Мавлоно Ориф ҳақида ёзади:

“Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний раҳматуллоҳ алайҳнинг баёнидур. Ул орифларнинг комили, шарифларнинг шарофатдори, олими фуруъ ва усул, мутобиъи Ҳазрати расул орифи замон, ҳодийи раббоний, яъни Ҳазрати Мавлоно Ориф Деггаронийдур”. Ушбу баён бошида ёзилган буюк сифатлар шундан далолат бериб турибдики, яъни давр до-

<sup>55</sup> Хазинат, 270<sup>б</sup>-варақ.

<sup>56</sup> Ўша асар, 123<sup>а</sup>-варақ

ноларининг комили, улуғларнинг улуғлари, фикҳ илми оими, Расул суннатига эргашувчи, илоҳий йўл кўрсатувчи, орифи замоний, пок йўлга бошловчи, яъни ҳазрати Мавлоно Ориф Деггаронийдир.

Ушбу сатрлар Мавлоно Орифнинг улуғ шону шуҳратини, юксак даражасини кўрсатади.

Тоҳир Эшон Хоразмий Мавлоно Ориф Деггароний қадам жойларини ўз кўзи билан кўргани ва ўргангани учун унинг қаламига мансуб баёндаги маълумотлар ўзгача аниқлик кашф этади. Тоҳир Эшон:

“Ул жанобнинг мавлиди ва мадфани Бухоро дарёсининг канорида, Ҳазора қалъасининг яқинидаги Деггарон отлиф деҳада эрди. Фақир Самарқанддин мурожаат қилгон вақтда, ул азизнинг қабри зиёратига мушарраф бўлдим”, деб ёзади. Ундан сўнг иккинчи марта яна ўша қабр зиёратига борганини эслатиб ўтади.<sup>57</sup>

## ҚАБР УСТИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Тақдир илтифоти ила биз ҳам Мавлоно Орифнинг қабри зиёратига мушарраф бўлдик. Бундай улуғ жойни зиёрат қилиш ҳаммага ҳам насиб этмаган албатта.

Бизда Деггарон тарихи, Ҳазора қалъаси ва унинг ёнидаги қабристон катта таъсирот уйғотган эди. Гап шундаки, Деггарон деҳаси ва унинг ёнига жойлашган қабристоннинг жануб томонидан “Буюк ипак йўли” бўй тортиб ўтган экан. Ипак йўлининг у ёғида эса Масжиди Жомий бўлиб, унинг ҳовлиси ичига мавлоно Орифнинг муборак қабри қурилган эди. Масжиди Жомийнинг тўрт томони девор билан тўсилган. Ундан озгина нарида Шарқ томонида карвонсарой бўлиб, карвонсарой ва масжид қалъа ичига олинган экан. Асрлар ўтиши билан қалъа ва карвон саройдан фақатгина

<sup>57</sup> Ўша асар, ўша варақ.

баъзи тепаю дўнгликлар қолганининг гувоҳи бўлдик. Жуда улур кишилар қадам жойи бўлган бу заминдан асрлар садоси янграб турар эди.

Мавлоно Ориф қабри қўйилган Масжиди Жомиъ билан қабристон ўртасидан “Буюк ипак йўли”нинг босган излари ҳали ҳам сақланиб қолганини кўрдик. Қалъага қурилган ҳашаматли дарвоза орқали ипак йўли қалъа ичидан кесиб ўтар экан. Бу жойдаги ипак йўли изларидан асрлар сиррини англаш ва тинглаш мумкин эди. Бу қалъанинг жойлашган ўрни ва жой номлари кўрсатилган харита В.В.Бартольд асарларига илова ҳам қилинган.

Биз манбага қайта мурожаат этайлик. Али Сафий “Рашаҳот” асарида бу қадим жойни Мавлоно Орифга боғлаб янада аниқроқ қилиб, қуйидагича ёзади: “Мавлоно Ориф Деггароний раҳматуллоҳи таъоло, хизмати Амир Кулолнинг тўрт халифаларидин иккиланчи халифа турур. Мавлиди ва мадфанлари Деггарон деҳаси турур. Ҳазора қасабисидинки, Оби Куҳак лабида воқеъ турур. Ва Мавлоно Орифнинг қабри мубораклари деҳадан ташқари Ҳазора йўлининг устида турур”.<sup>58</sup>

Ушбу тарихий асарларда битилган матнларда икки ибора, Бухоро дарёси ва Оби Кўҳак деб аталган дарёлар туради. Қайси бир отининг қадимийлиги кейинги тадқиқотлардан ўрин олғусидир. Муҳими, ана ўша Ҳазора йўлидан “Буюк ипак йўли” ўтгани бу жой тарихини анча узоқ асрларга олдин етаклаб кетади. Энг муҳими бизга асрлар оша бир муҳим асосий обида мерос қолган. У ҳам бўлса Мавлоно Орифнинг муборак қабрининг қурилиш санъатидир. Мавлоно Хожа Ориф қабри масжид жойлашган ҳовлининг ўртасида бўлиб, узун ва эни тўрт метрча келадиган супа ўртасидан жой олган ва қабрнинг баландлиги 60-70 см. ча келади, бўйи эса икки метрдан ошади. Тўрт бурчакли супа устидаги ушбу муборак қабр қурилиш услубининг бутунгача сақланиб қоли-

---

<sup>58</sup> Ўша асар, 71-бет.

ши халқимизнинг кўп асрлик меъморчилик санъати маданиятининг нақадар қадимий анъанага эга эканини намоён қилиб турарди. Гарчи ушбу қабр оддий ғиштдан қурилган бўлса-да, унинг аҳамияти беқиёсдир. Сабаб шуки, улуғ кишилар қабрининг боши ёки оёғи томонига ўзга кишиларнинг оёғи тегмаслиги эътиборга олинган. Бундай қадимий услуб айни чоғда Шоҳ Нақшбанд қабрида ҳам акс эттирилганди. Бироқ анъанага риоя қилмаслик сабаби ила 1993 йилга келиб, Баҳоуддин Нақшбанд қабри супаси мрамрдан қурилди, аммо унинг узунлиги икки метрча, ўртасига бўртиб қурилган қабр гумбази йўқ қилинди. Биз учун тарихий обидалар сомонли лойдан ясалган бўлса ҳам унинг услубий санъати, анъана меросини ҳеч қандай бойликка тенглаштириш мумкин эмас, албатта!

Мавлоно Ориф қабрининг бош томонида усти ёпиқ сув қудуғи жойлашган. Арқонга бойланган челақ катта ёғоч ғалтакка уланган. ғалтакка эса темир тутқич соп ясалган. Табаррук одатга риоя қилиб, қудуқдан сув тортиб ичдик. Кўнгилларимиз яйраб, ҳолимиз таскин топди, қалбимиз нурланганга ўхшади.

Мавлоно Хожа Ориф қабрининг оёғи томонида гумбази, ихчамгина икки-уч кишилик хилхонаси қад кўтариб турибди. Кишини ҳайратга соладиган бу хилхона бизнинг ўй-фикримизни XIV асрга етаклаб олиб кетгандай бўлди. Ҳайҳот, қандай улуғ қадам жой!

## ДЕГГАРОНИЙ ВА ШОҲ НАҚШБАНД

Ўз замонида бу ерга кимларнинг қадами тегмаган, кимлар бу жойга келмаган дейсиз! Ҳазрати Амир Кулол, Шоҳ Нақшбанд, Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Яъқуб Чархий, Низомуддин Хомуш, Саъдуддин Қошғарий, Хожа Аҳрор Валий ва бошқа кўпдан-кўп замонаси-

нинг машҳур уламою фузало, акобиру ашрафларининг пок қадамлари из қолдиргандир. Қандай улуғ зотлар бу маконда саф тортиб, намоз ўқиб, сажда қилмаган дейсиз! Биргина Баҳоуддин Шоҳ Нақшбанд Мавлоно Ориф Деггароний билан бир неча ўн йил айна ўша қутлуғ хилхонада тиззаларини қўйиб ўтирган эмасми!

Тоҳир Эшоннинг тазкирасидаги қуйидаги сатрларга эътибор беринг: “Ҳазрати Хожа Баҳоуддин алайҳир раҳма айтдиларким, муддати ўтгуз йил Ҳазрати Мавлоно Ориф ила ҳамроҳ бўлдим. Мавлонодек одамни кўрмадим. Доғи ул жаноб била икки марта Маккаи Мукаррамага бордик. Ул ердан доқ азизни кўрмадим. Агар ул мавзеъда анингдек зоти шарифни топар эрсам, қайтиб келмас эрдим”.<sup>59</sup>

Демакки, шунча улус, шунча эл орасида Мавлоно Орифга ўхшаган, унга тенг кела оладиган, ҳамсухбат бўладиган инсон Шоҳ Нақшбанд учун топилмагани ул зотнинг беқиёс эканидан далолат беради. Энг асосийси, Шоҳ Нақшбанд ўз умрининг деярли яримини Мавлоно Ориф билан бирга ўтказгани манбаълардан бизга маълум. Бунинг сабаби эса улардаги фикр бирлиги, дунё қараши, зоҳирий ва ботиний илмларда тенглиги, сиррул асрор масалаларида донишмандликда туриши, феъл ўхшашлиги каби бир қанча оламшумул муаммоларда қалбининг бир-бирига тўғри келиши эди. Ушбу масалаларда Мавлоно Ориф Шоҳ Нақшбанд билан тасаввуфнинг ҳам назарий, ҳам амалий тадқиқотларини бирга олиб боргани маълум бўлади.

Фулом Сарвар Лоҳурий “Ҳазинат ул-асфиё” асарида қуйидагиларни ёзади: -

“Хожа Ориф Деггароний қуддиса сирруҳунинг аҳволи баёни. Аммо Хожа Ориф алайҳир раҳма Хожа Амир Кулол раҳматуллоҳ алайҳининг халифани бузуркларидин ва улуғ асҳобларидин (дўстларидан) эрди. Ҳазрати Амир Кулол ҳамини

<sup>59</sup> Ўша асар, 123<sup>а</sup> варақ

ша айтур эрдиким, бу икки одамким, бири Хожа Баҳоуддин Шоҳ Нақшбанд ва бири Мавлоно Ориф Деггаронийдурлар, халифаларим аросида алардек ҳеч киши бўла олмасдур. Аммо Хожа Баҳоуддин ҳам Ҳазрати Амир Кулолнинг вафотидин сўнгра, то муддати етти йил Мавлоно Ориф била бир жойда иқомат қилиб, Ҳазрати Мавлононинг одобу икромин риоя қилди. Ҳаттоки, чун Шайх Ориф алайҳир раҳма дарё кано-рида таҳорат қилур бўлса, Хожа Баҳоуддин ул сувиким, Хожа Орифнинг таҳорат қилур жойидин ушоқдур, ул ушоқ ердин таҳорат қилур эрди. Хожа Ориф била ҳамроҳ юрур эрса қада-мин ул Ҳазратдин илгари қўймас эрди. Хожа Баҳоуддин алай-ҳир раҳма Ҳижоз сафариди Мавлоно била ҳамроҳ эрди”.<sup>60</sup>

Бундан маълум бўладики, Мавлоно Орифга Баҳоуддин Қишлоқийдан сўнгра Ҳазрати Амир Кулол иккинчи пири муршиди бўлгани аён бўлади. Ушбу матнлардин билиш мум-кинки, Шоҳ Нақшбандек улуғ ва буюк доншманднинг азиз ва севимли кишиси Мавлоно Ориф Деггароний бўлади. Улар томонидан бирга амалга оширилган Ҳижоз сафарлари ҳам бунинг ёрқин мисоли сифатида келтирилган. Чунки узоқ сафарда киши барча катта-кичик синовлардин ўта олади ёки акси бўлиши табиийдир.

Фулом Сарвар Лоҳурий тилга олган етти йиллик суҳбатдош-лик Фахруддин Али Сафий асарида ҳам ўз аксини топган.

Асарда келтирилган Ҳазрати Амир Кулол васиятида қўйи-даги матнни ўқиймиз:

“Пистонни сиз учун хушк (қуруқ) этдим ва сизнинг мур-фи руҳониятингиз байзаи башариятдин чиқди. Аммо сизнинг ҳимматингиз қуши баланд парвоз тушубдур. Эмди ижозат-дур, ҳар жойда турку тожикдин сизнинг машомингизга (ди-мофингизга) бўйе етушса, талаб қилинг ва талабгарликда ҳимматингиз мужибига (сабабига) тақсир этманг”.<sup>61</sup>

<sup>60</sup> Ўша асар, 270<sup>6</sup> варақ.

<sup>61</sup> Рашаҳот, 79-бет.



Устозининг тилагига риоя қилган Баҳоуддин Нақшбанднинг қўйидаги қудсий сўзини унинг ўз тилидан Али Сафий қўйидагича ёзади:

“Ҳазрати Хожа айдиларким, вақтиким, Амирнинг хизматларидин бу нафас зоҳир бўлди, ул бизнинг ибтиломизга во сита бўлдиким, агар ул суврати мутобаъатда бўлсоқ эрди, балодин узоқроқ ва саломатга яқинроқ бўлур эрди. Ул нафасдин сўнг Ҳазрати Хожа етти йил Мавлоно Орифга мусоҳабат (суҳбатдошлик) этдилар”.<sup>62</sup>

Фахруддин Али Сафий етук тарихчи, буюк билимдон бўлгани сабабли тасаввуф таълимотига боғлиқ бўлган сиррул асрорларни ўз асариди яхшигина ойдинлаштириб ифода этган. Биз буни қўйидаги матнлардан ҳам пайқаб оламиз. Ушбу матн Мавлоно Ориф Деггароний баёнида ёзилган:

“Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддаса аллоҳу таъоло сирраҳу айтур эрдиларким: “Вақтиким, зикри хуфияга машғул бўлдум, ўттуз йил Мавлоно Ориф била бу жўстужўй ва тақопўйда эрдим. Икки маротаба Ҳижозга сафар этулди. Ҳар ерга нишон бердилар кунжларида ва зовияларда юрдум. Агар Мавлоно Орифнинг мислини ё анинг донгғини топсам эрди, келмас эрдим. Одам бўлсаким, анга ҳамзону бўлса (ёнма-ён) ва сир била осмондин ўткан бўлса ва зоҳиру ботин била бу ерда машғул ўлтурғон бўлса!”<sup>63</sup>

Шундай қилиб, Баҳоуддин Нақшбанд била ўттиз йиллик ҳаёти тасаввуфнинг нозик сиррул асрорларини Мавлоно Ориф билан бирга кузатиб, уни тадқиқ этгани маълум бўлади. Ушбу изланиш, қидирмишлар икки буюк алломанинг илми нужум фалакиётидаги юлдузлар тадқиқотида бўлсин, оламлараро ўзгаришдаги кузатишларда бўлсин ёки руҳият дунёсидаги сирларнинг моҳиятини билишда бўлсин, умумий қилиб айтганда, барча соҳадаги илмлар сирларини тадқиқ

<sup>62</sup> Рашаҳот, 79-бет.

<sup>63</sup> Ўша асар, 71-бет.

қилишда бирга бўлгани кўрсатилган. Шу билан барча ерларда қидириш, сарсончилик ва қийинчиликларни ҳам Мавлоно Ориф ва Шоҳ Нақшбанд бирга бошдан кечирганлиги ёзма равишда ифода этилган. Демакки, синовларда бир-бирига нисбатан шубҳа бўлмаган, доншмандлик қалблари бир-бирига боғланган экан. Бу баён Муҳаммад Боқир асарида ҳам ўзига хос ифода этилган. Муҳаммад Боқир ўз асарида ёзади:

“Айтар эрдилар: “Хуфия зикрига машғул бўлганимда сирримдан огоҳлик ҳосил бўлди. Бу “сирр”нинг асли учун талабда бўлдим. Мавлоно Ориф била ўттуз йил мана шу болада қидириш ва изланишда бўлдик. Икки маротаба Ҳижоз сафарига борилди. Бурчагу гўшаларда кездик. Киши бормики, ўзи тиззама-тизза ўтирсаю, сайрда осмонлардин ўтса, зоҳирда у ерда бўлсаю, ботинда бу ерда машғул бўлса!”<sup>64</sup>

Асарда ёзилган ушбу матнлар алоҳида ўзига хос аҳамият касб этади. Фалакиёт синовлари ибораларини бизга ойдинлаштиради. Чунки олам тузилиши ва унинг сирларини ўрганишда юлдузларнинг жойлашиш, алмашиш ва ўзгариш, уларнинг йўл олиши каби фалакиёт (астрономия) қонунлари “Осмон” илми таркибига кирар эди. Бу қадим фанда юлдузларни кузатиш илми эса “устурлоб” асбоб билан амалга оширилади. Демак ҳар икки донишманд - Шоҳ Нақшбанд ва Мавлоно Ориф бу илмларнинг ҳам тадқиқотида назарий ва амалий жараёнларнинг синовларида бирга шуғулланганликларидан далолат беради. Шу билан ушбу соҳада ўттиз йиллик ҳамкорлик ҳаётини бирга ўтқарганини англаймиз.

Юқорида келтирилган далиллардин шу нарса аён бўладики, авлиёлар “валоят” даражасига етганда, яъни валийликнинг энг буюк чўққисига эриша олгандагина насиб бўладиган аломатлар эди. Бундай “аломат” Шоҳ Нақшбанд ва Мавлоно Орифга насиб бўлганини кўрамиз. Ҳазрати Амир Кулолнинг ҳар доим айтган: “Бу икки одамким, бири Хожа

---

<sup>64</sup> Баҳоуддин балоғардон, 78-бет.

Баҳоуддин Шоҳ Нақшбанд ва бири Мавлоно Ориф Деггаронийдурлар, халифаларим аросида алардек ҳеч киши бўла олмасдур” деган сўзларининг маъносини уқиб оламиз.

## ДЕГГАРОНИЙНИНГ КАРОМАТИ

Фулом Сарвар Лоҳурий “Ҳазинаг” асарида Мавлоно Ориф Деггароний ҳаётидан бир воқеа тарихини ёзиб қолдирган эди. Лавҳанинг асл матнини, сиз азизларга, айнан тақдим этамиз.

“Нақл қилибдурларким, Хожа Ориф қуддиса сирруҳу масканига муттасил (туташ) дарёнинг сўйи ниҳояти тошиб яқин етушди. Ул деҳанинг одамлари фарқ бўлуридин хавф қилиб, Хожа Ориф алайҳир раҳманинг қошига бориб, арз этдиларким, сув бизларни хароб қилғусидур. Хожа Ориф алайҳир раҳма дарё канориға бориб айдики, эй дарё суви, агар қувватинг етар эрса бизларни жойимиздин чиқорғил. Йўқ эрса, бу деҳадағи ғарибларнинг масканларин фарқ қилғондин не ҳосил бўлур?”

Дарҳол дарёнинг суйи ўз аслиға бориб, хонасиға етушди.

Аммо Хожа Ориф алайҳир раҳманинг икки халифаси бор эрди. Бири Мавлоно Ашраф Бухорий, иккиланчиси Амир Ихтиёр Деггароний эрдиким, Хожа Орифнинг вафотидин сўнгра иршод маснадида ўлтуруб, роҳи Ҳақдағи толибларни мақсудлариға етурдилар. Ул жанобнинг вафоти ҳижратнинг саккиз юз дағи тўртланчи йили воқеъ бўлуб, мазори пур анвори Ҳазора тавобиъидин Деггароний отлиғ қаряда эрди. Ул қаря била Бухоро қалъасининг ораси тўққуз фарсах эрди.

Байт:

Му зи ирфон ба хулди воло ёфт,  
Орифи муттақий шаҳи жаннат,  
Орифи жаннат аст таърихаш,  
Ҳам бифармо валийи шаҳи жаннат.

Байт таржимаси:

Жаннат шоҳи, тақво соҳиби Ориф,  
Ирфон туфайли жаннатга кўтарилди.  
Таърихи – Орифи жаннат бўлади,  
Ҳам валийи шаҳи жаннат деб буюр.<sup>65</sup>

Бу далиллардин келиб чиққанимизда, Мавлоно Ориф Деггароний каромати ҳам буюк даражада эканини кўрамиз. Шу билан ул зотнинг халқни тўғри ва пок йўлга бошлашдаги қутлуғ ишларини, маърифат ғояларини, илму ирфон орқали билиш тафаккурларини ўринбосарлари бўлган Ашраф Бухорий ва Ихтиёр Деггаронийлар давом этирганини биламиз. Вафоти тўғрисидаги аниқ ёзилган 804 ҳижрий йили ҳозирги мелодий йилида 1401 йилга тўғри келади. Ушбу рақамни тасдиқловчи икки байт шеърдаги абжад ҳам бу санани тасдиқлайди. Аммо туғилган йили тўғрисида ҳозирча бирорта манба учратмадик.

## МАВЛОНО ОРИФНИНГ ЁШИ

Биз Мавлоно Ориф қабри зиёратига борганимизда Деггарон маҳаллий мўътибарлари ва зиёлилари, туман раҳбарлари билан суҳбатда бўлдик. Суҳбатларимиз анча узоқ давом этди. Тарихлар эсланди, обидаларни синчиковлик билан ўргандик, харобалар қолдиқларини кўлимиз билан ушладик, “Буюк ипак йўли” изларига ўз қадамларимизни қўйдик.

Суҳбатдаги баҳсли мунозаралар асносида Мавлоно Орифнинг Шоҳ Нақшбандин олти ёки етти ёш катта бўлганини нақл қилишди. Шу билан Ҳазрати Орифнинг тўқсон ёшдин ошиб умр кўрганини айтишди. Ушбу шоҳиду гувоҳликларга таяниб айтадиган бўлсак, бунинг тўғрилиги эҳтимолдин холий эмаслиги маълум бўлди.

Эътибор беринг-а, Баҳоуддин Нақшбанднинг туғилган йили ҳижрий 718, мелодий 1318 экани аниқ ёзилган. Агар

---

<sup>65</sup> Ўша асар, 270<sup>6</sup>-варақ.

Хожа Орифни олти ёш катта бўлганини ҳисобга олсак, унда 712 ҳижрий, 1312 мелодий йилда туғилган бўлади. Демак 89 ёшга кирди, деб ҳисобласак, энди ойу йил ҳисобидаги фарқли кунлар эвазига 30 йилга бир йил қўшилиши анъанасига асосан яна уч йил қўшилади. Бу ҳисобга кўра 92 ёш умр кўргани келиб чиқади. Бордию Шоҳ Нақшбанддан етти ёш катта бўлса, 93 ёш умр кўргани аниқланади. Агар олти ёш катта бўлгани аниқ деб қарасак, анъанамиздаги она қорнидаги тўққиз ой бир ёш бўлиб қўшилиши ҳисобига кўра 93 ёш умр кўргани маълум бўлади.

Шундай қилиб, Шоҳ Нақшбанд “Хожа Ориф билан ҳамроҳ йўрур эрса, қадамин ул ҳазратдин илгари қўймас эрди” иборидаги анъанага мувофиқ, ўзидан ёши катта киши олди-дан юрмаслиги, илмини ҳурмат қилиши ва Амир Кулолга Нақшбанддан олдин мурид бўлгани Мавлоно Ориф Деггаронийнинг буюк инсон, улуғ донишманд эканини тасдиқлайди.

Азиз китобхон! Биз қаламга олган Мавлоно Ориф Деггароний миллий маънавиятимизнинг тарихдаги пойдеворларидан бири, улуғ донишманд, буюк мутафаккиридир. Ул зоти азиз тўғрисида машҳур тарихнавислар қалам сурган бўлиб, уларнинг асарлари саҳифаларида битилган баёнлар, лавҳалар ва нақлларни қуйида айнан келтириб ўтишни лозим топдик. Токи ул зот ҳақида маълумот олишни истовчилар тарихий асарларда битилган маълумотларни ўқиб, керакли фойдаларни олишга муваффақ бўлсинлар.

Хожагон таълимоти тариқийнинг энг асосий туб моҳияти: Аввало халқнинг турмуш фаровонлиги учун кўмак бериш, халқ манфаатини ҳимоя қилиш эди. Иккинчидан ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда эътиқод қилиш эди. Шу боис «Дил ба ёру даст бакор» қондаси бутун Марказий Осиёга ёйилди, буюк шиор сифатида янгради. Шоҳ ҳам, гадо ҳам, Хожагон таълимоти тариқийга бош эгди.

### ДЕГГАРОНИЙ ҲАҚИДА ЁЗИЛГАН ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

#### МУҲАММАД БОҶИРНИНГ “МАҚОМОТИ ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД” КИТОБИДАН

**Х**ижоз чўлларида бу фақирни муруқабга буюрган ва муруқабга йўллари таълим берган, ўзларининг суратларини хаёл хазинасида сақлашни ҳам амр қилган эдилар. Ва айтган эдиларки: “Мавлоно Ориф унинг ҳақида нима деса биз ҳам ўша фикрдамиз, аммо айтилган ул нарсанинг юзага чиқиши бизнинг ихтиёр қўлимиздадир”. Бошқа ерда айтдилар: “Унинг йўли жазабадир, сифати эса жамол ва жалол ўртасида, кайфиятини эса илмга боғлиқ қилганлар”.

Ҳазрати Хожа Ҳижоз йўлида касал бўлиб қолиб васият қилганларида дўстлар ҳузурда Муҳаммад Порсога шундай деганлар: “Тариқат хожаларидан бизга ҳар қандай Ҳақ ва омонат етган бўлса ва бу йўлда нимаики топган бўлсак, ўшал омонатни сенга топширдик, чунончи Мавлоно Ориф топширганда қабул қилганингдек, биздан қабул қил ва Аллоҳ халқи-га етказ!”

Бу борада қаттиқ таъкид қилдиларки, бундай ҳол ўзга дўстларга асло қилинмаган эди. Ҳаётларининг сўнгги кунларида бу васиятларини яна янгидан такрорладилар.

Нақл қилишларича, Ҳазрати Хожамиз қуддиса сирруҳу бир куни Хожа Муборак қишлоғида Саййид Амир Кулол, қуддиса сирруҳумо, хизматида бўлганларида кўнгилларидан: “Ҳазрати Амирнинг назарларида мендан улуғроқ киши борми?” деган фикр ўтди. Ногоҳ бир киши қўй олиб келиб қолди. Хожамизнинг кўнглидан: “Қани энди бу қўйни пиширганларида Мавлоно Ориф шу ерда бўлсалар!” деган фикр ўтди.

Шунда Амир: “Эй Баҳоуддин тур, Мавлоно Орифни чақир, келсин!” дедилар.

Хожа ташқарига чиқиб, уйнинг бурчагига ўтиб, уч марта оҳиста “Ё Мавлоно Ориф”, дедилар. Қайтиб кириб ҳали ўтирмаган ҳам эдиларки, Мавлоно Ориф эшикдан салом бериб кириб келдилар. Хожамизга: “Эй Баҳоуддин, Ҳазрати Амир сизга уч марта чақир деганмидилар? Бир мартаси ҳам етар эрди, нега уч марта чақирдингиз? Мени оламга ошкор қилмоқчи бўлдингизми?” дедилар.

Шунда Ҳазрати Амир Кулол Хожамизга қараб: “Эй Баҳоуддин, кўрдингизми, бизга сиздан ҳам яқинроқ кишилар бор. Зинҳор-базинҳор худбинлик қилмангки, одам учун худбинликдан ёмонроқ нарса йўқ!” - дедилар.

Рубой:

Бардор зи пеш пардаи худбиний,  
Бошад, ки бадинсон, ки туни худбиний.  
Иблис сазойи худ зи худбиний дид,  
Ту низ макун, дигар куну худбиний.

Рубой таржимаси:

Огоҳ бўл, юзингни тўсмагай зинҳор, худбинлик,  
Иблисни ахир қилди бадному хор, худбинлик.  
Худбинликни ташла, англа ўзлингиз,  
Иблисга менгзама, айла бекор худбинлик.

Нақл қилишларича, Мавлоно Ориф Деггаронда бўлган пайтларида ёронлари билан суҳбат барпо қилинди. Ҳазрати Хожамизнинг ҳам баъзи дўстлари бу суҳбатда ҳозир эдилар. Суҳбатдаги дўстлардан баъзиларининг кўнгилларига: “Қани энди Ҳазрати Хожамиз ҳам шу суҳбатда бўлсалар, ул зотни кўришга мушарраф бўлар эдик”, деган фикр келди. Шунда Мавлоно Ориф бошларини кўтариб: “Хожа Баҳоуддинни чақирамиз”, дедилар. Ёронлар хурсанд бўлдилар.

Ҳазрати Хожа бу вақтда Бухорода эдилар. Бу ерда эса тандирда бир неча балиқ пиширилаётган эди. Тандир оғзини очмасларидан аввал Хожамиз кириб келдилар. Баданларида ҳаворанг кўйлак, орқаларида куриб қолган жийда шохларидан тайёрланган ўтин бор эди. Кириб салом бердилар, Мавлоно саломга жавоб бериб: “Хуш келибсан, эй Баҳоуддин!” дедилар.

Нақл қилишларича, ҳайит кунлари Ҳазрати Саййид Амир Кулолнинг ҳузурларида кўпчилик йиғилган бўлиб, улар ёнатрофлардан келган эдилар. Ҳазрати Амир ўтирган эдилар. уларнинг орқасида обризга яқин жойда Ҳазрати Хожамиз ўтирган эдилар. Одамлардан бири бош кўтариб, Ҳазрати Амирга деди: “Камол аҳли бўлган кишиларнинг сифати ҳақида эшитиб юрамиз, сизнинг ёронларингиз орасида душанба ва жума кунларининг оқшомида “зикри алония”га машғул кишиларни кўраман, камол аҳли сифатларидан бўлган бошқа сифатни кўрмаяпман. Камол аҳлидан бўлган бирор киши борми ёки йўқми?”

Амир Саййид бошларини кўтариб дедилар: “Бор, улар биз билан тиззама-тизза ўтиришибди, бироқ сиз уларни кўра олувчилардан эмассиз!” Шу онда уларнинг олдида бир товоқ майиз турган эди, майиздан олти дона олдилар ва Хожамизнинг номларини тутиб, олдиларига чақирдилар. Хожамиз орқадан келдилар ва уларнинг рўбарўларига келиб турдилар. Ҳазрати Амир саллаларини бошларидан олдилар ва тўрт букладилар. Сўнг тўрт кишига саллани Хожамизнинг белларига қаттиқ тортиб боғлашни буюрдилар. Сўнг Хожамизга Нахшаб томонга Хожа Муборак қишлоғига Мавлоно (Ориф) Деггароний олдида боришни буюрдилар: “Биз билан уларнинг ораларида бир нишон бор, уни олиб келиш керак, бир кун қайтишга кетади, мана бу олтига майиз уч кунлик йўл озиғи” дедилар.

Ҳазрати Хожамиз майизларни олиб, чошгоҳда Сухордан йўлга равона бўлдилар. Намози асрда - икки намоз оралиғи-



да Хожа Муборак қишлоғига етиб келдилар. Ҳазрати Хожамиз ҳикоя қилардилар: “Йўлга чиқишим билан мени бир ажиб сифат ва улуғ ҳолат чулғаб олди. Ўзимдан бутунлай беҳабар эдим. Худди қадамим беш газ, ўн газ бўлаётгандек ҳис қилардим. Мавлононинг манзилига етиб келиб, сўзла-масимдан аввал Мавлоно менга: “Сизни Ҳазрати Амир юборганлар, улар билан менинг орамизда бир нишон бор, уни сўрамоқдалар. Бугун ва эрта бу ерда бўлинг, учинчи кун бўлганда сизни жўнатиб юборамиз”, дедилар.

Учинчи куни бўлганда Мавлоно дедилар: “Нишон шуки, Хожа Али Ромитаний қуддиси сирруҳунинг муборак кулоҳлари бизга етиб келган эди. Мен ва уларнинг орасидаги нишон шудир, Ҳазрати Амир менга: “Сиз бу кулоҳни сақлашга сазоворроқдурсиз”, дедилар. Мен уларга дедим: “Сақлашга сиз лойиқроқдурсиз”. Шундай сўзлар мен ва уларнинг орасида бир неча марта такрорланади. Охири Амир дедилар: “Бу кулоҳ сизда омонат турсин, пайти келса, сўраб оламиз”. Энди ўша пайт келибди ва талаб қилибдилар”.

Учинчи куни кулоҳни Ҳазрати Хожамизга топширдилар. Улар бу кулоҳни ўша саллага ўраб, чоштгоҳ пайтида Мавлоно олдидан жўнадилар. Икки намоз орасида Сухорга, Ҳазрати Амир ҳузурига етиб келдилар. Ўша олти майиз ҳамон уларнинг қўлларида эди. Ҳалиги савол берган киши ҳам мажлисда ҳозир эди. Бу ҳолни кўриб, узр сўради. Камол аҳли борлигини тан олиб: “Иллат бизнинг кўзимизда экан!” деб эътироф этди.

Нақл қилишларича, Мавлоно Ориф, қадасаллоҳу сирраҳу, Ҳазрати Саййид Амир Кулол қаддасаллоҳу сирраҳунинг халифаларидан, Ҳазрати Хожамиз қаддасаллоҳу сирраҳунинг суҳбатдошларидан эдилар. Мавлоно Хоразмга борган эдилар. Бир куни ҳазрати Хожамиз Мавлоно Ориф ҳақида дедилар: “Шу соатда Мавлоно Орифга Хоразмдан Саройга бориш зарур бўлиб қолди. Ҳозир Хоразмдан чиқдилар ва

фалон манзилга етиб келдилар”. Орадан бир оз вақт ўтгач: “Мавлононинг кўнглига Саройга бормаслик фикри тушди, орқага қайтдилар ва Хоразмга йўл олдилар”, дедилар.

Бу воқеанинг ойу кунини ёзиб қўйдилар. Мавлоно Ориф Хоразмдан қайтиб келганларида бу воқеани Ҳазрати Хожа бизга айтганларидек баён қилдилар.

Мавлоно Ориф нақл қилиб дедилар: “Бир куни Бухоро дарвишларидан бир жамоат билан Қасри Орифонга Хожа Баҳоуддин, қуддиса сирруҳунинг ҳолларини сўрашга борган эдик. Қайтаётганимизда дарвишлардан бири Ҳазрати Эшонни ёмон сўзлар билан ёд қилди, Ҳазрати Эшонга нисбатан беадаблик қилди. Ҳаммамиз уни бу сўзлардан қайтардик ва маломат қилдик. “Сен Ҳазрати Эшонни билмайсан”, дедик. У танбиҳимизни қабул қилмади. Тўсатдан бир ари ҳаводан келиб, унинг тилига заҳар солди, бунинг оғриғидан у қарорини йўқотди. Барча дарвишлар: “ғайбнинг ажойиб адаби бу!” дедилар. Дарвиш тавба қилди ва кўп йиғлади. Бу ҳолдан жамоатда завқ ва Ҳазрати Хожага нисбатан ишонч ҳосил бўлди.

Хожа Алоуддин Аттор аттараллоҳу марқадаҳу, шундай нақл қилдилар: “Хожа Юсуф, қуддиса сирруҳу, Ҳазрати Хожамиз қаддасаллоҳу сирраҳу-л-азиздан илтимос қилиб, Сафидмуний мазоридаги бу фақирнинг боғига қадами шарафингиз етишини хоҳлайман, дедилар. Хожа қабул қилиб, дарвишлар билан боққа жўнадилар. У ерда икки кун бўлдилар. Суҳбат роса қизгин бўлди. Шу пайт Мавлоно Ориф ташриф буюриб қолдилар. Бирор соат суҳбат бўлди. Суҳбатдан сўнг Ҳазрати Хожа ташқарига чиқдилар. Дарахт соясида суялиб ўтирдилар. Бу камина уларнинг изидан келаётган эдим. Бироз ўтгач, Хожа Юсуф баъзи талабалар билан суҳбатдан чиқдилар. Аммо Ҳазрати Хожанинг олдиларига кела олмадилар. Шунда мени чақириб: “Бизда бир хавф пайдо бўлди, шу сабабли Хожанинг хизматларига бора олмаймиз.

Сабаби шуки, Ҳазрати Хожа суҳбатдан ташқарига чиққан-ларида Мавлоно Ориф хилват топиб, маърифат сўзларини айтдилар. Бир лаҳза уларнинг сўзларини тингладик. Бизда офирлик ва сиқилиш пайдо бўлди. Мажлисдан тез чиқдик. Кучли хавф ва қўрқинч йўл топди”.

Ҳазрати Хожа боққа кирдилар. Намози пешин вақти бўлган эди. Намозга машғул бўлдилар. Мавлоно Абу Бакр Афшанажийни имомликка ўтказдилар. Такбири таҳримадан сўнг анча вақт ўтса ҳам мавлоно Абу Бакрдан ҳеч бир ҳаракат содир бўлмади. Хожа уни меҳробдан чақириб, ўзлари имомлик қилдилар. Қавмда ҳайбат пайдо бўлган эди. Ҳар бир кишини бир тасарруф чулғаб олган эдики, натижада ҳеч ким намоз ўқиёлмади. Фақат бир кишигина намоз ўтай олди, холос. Боғдаги кишиларинг умумий сони етмишта эди. Ҳар бирида ҳар хил ҳолат бор эди, баъзилари саҳро томонга юз қўйган эдилар. Мавлоно Абу Бакр салла ва дурроасини отиб ташлаган, ҳар томонга чопар ва айтар эди: “Далилим ранжибдилар”. Шундай деб бошига тупроқ сочарди.

Ҳазрати Хожа намозни адо қилиб, қавмнинг аҳволини мушоҳада қилдилар ва боғдан чиқиб кетдилар. Талл устига чиқиб турдилар. Шу пайт Хожа Юсуф мени чақириб қолдилар. “Хавфимиз яна зиёда бўлди, энди қандай тадбир қилайлик?” деб сўрадилар. Мен Хожа Юсуф ҳамда қавмнинг аҳволини Ҳазрати Хожага арз қилдим. Ҳазрати Хожа ранжиш юзасидан: “Тадбир шуки, Мавлоно Орифнинг олдига борсинлар, чунки бу аҳвол қавм учун унинг сўзи туфайли пайдо бўлди, у келиб, қавмнинг дардига дармон бўлсин!”

Иттифоқо, мавлоно Ориф бир гўшага пинҳон бўлган эдилар. Бир гуруҳ уни қидиришга тушди ва олиб келди. Ҳазрати Хожа Мавлоно Орифга юзланиб дедилар: “Сен қилган бу иш дарвишлик йўлига хос эмас, боқсангки, мажлис аҳли қизиқиб турибди, уларни ўз томонинга жазб этмоқчи (тортмоқчи) бўлдинг, тандирни қизиган ҳолда кўриб, хом патирларингни

унга ёпмоқчи бўлдинг ва бузғунчилик қилдинг. Мен боғдан чиққанимда, сен суҳбатни қизғин ҳолда кўриб, мавлоно Абу Бакрга юзландинг ва Илоҳий маърифатдан шарҳлар қила бошладинг. Мен Хожа Юсуфни хизматларини хотирга олган ҳолда, мавлоно Абу Бакрдан бошқа барча қавмнинг тадбирини қилдим. Энди сенга вожибки, Мавлононинг аҳволини ислоҳ қил, шундай олим ва фозилни сўз билан йўлдан урдинг, энди унинг фарзандлари сени ўз ҳолингга қўймайдилар”.

Хожа бу сўзларни айтаётганда, ҳайбат ва улуғлик белгилари намоён бўлиб борарди. Мавлоно Ориф ўрнидан турди, ялиниб-ёлворди ва деди: “Ёмон иш қилдим, тавба қилдим, бундай қилишга ҳаддим йўқ!” Ҳисомиддин ва Хожа Юсуф ҳам ўринларидан турдилар ва шафоат тилашга тушдилар. Шундан сўнг Ҳазрати Хожа Мавлоно Орифни кечирдилар. Мавлоно Абу Бакрга салла ва дурроаларни кийдиришни буюрдилар. Унда юз берган ҳолатни олиб ташладилар ва асл ҳолига қайтардилар, кўп илтифот қилдилар. Сўнг дарвишлар билан Бухорога жўнадилар.

Нақл қилишларича, Ҳазрати Хожамиз, қаддасаллоҳу сираҳу-л-азиз, Сухорда Амир Кулолнинг фарзанди Амир Бурҳон манзилида эдилар. Амир Бурҳон Ҳазрати Хожадан илтимос қилдилар: “Мавлоно Ориф билан суҳбат қилиш орзум бор, улар Насафдалар, азиз хоттирингизни шу ишга қаратсангиз, то улар бу ерга тез етиб келсалар”. Хожа: “Яхши, мавлонони чақирамиз”, дедилар.

Шундай деб, хонақоҳнинг томига чиқдилар ва уч марта “ё мавлоно”, дедилар.

Шундан сўнг: “Мавлоно Ориф бизнинг овозимизни эшитди, бу томонга қараб йўлга тушди”, дедилар.

Мавлоно Ориф Сухорга етиб келдилар ва дедилар: “Фалон кун, фалон соатда Насафда дўстлар билан ўтирган эдик. Хожанинг овозлари қулоғимизга етди, тезда йўлга тушдик ва бу ерга етиб келдик”.

Бир дарвиш нақл қилиб деди: “Ҳазрати Хожамиз қаддасаллоҳу сирраҳу-л-азизга етишмасимдан бурунроқ Бухоро аҳлидан бўлган киши билан шериклик қилиб, тижорат билан Кешга бордим. Шеригим у ерда туриб қолди. Мен карвон билан ҳамроҳ бўлиб, қаршига келдим. Бир неча кун ўтгач, касал бўлиб қолдим. Шу ҳолда эканман, эшагим йўқолиб қолди. Кўп паришонхотир бўлдим. Орадан ўн икки кун ўтди. Ногоҳ Ҳазрати Хожа қаддасаллоҳу сирраҳу-л-азиз, менинг олдимда ҳозир бўлдилар ва дедилар: “Биз бугун бу вилоятга кириб келдик, сенинг аҳволинг қандай?” Мен беморликдан ва шеригимдан айрилиб қолганимдан шикоят қилдим. Улар: “Кўнглингда яна бошқа ташвиш ҳам борми?” деб сўрадилар. “Эшагим йўқолиб қолди”, дедим. Ҳазрати Хожа: “Тезда топасан, кўнглингни хуш тут”, дедилар. Тонг отди. Ҳамсоям кириб: “Эшагинг эшик олдида турибди”, деди. Мен Ҳазрати Хожанинг басорати (узоқни кўриши)дан ҳайратда қолдим ва уларнинг суҳбатига етишдим.

Нақл қилишларича, Ҳазрати Хожамиз, қаддасаллоҳу сирраҳу-л-азиз, Бухоронинг бир қишлоғида эдилар. Дарвишлар Ҳазрати Эшоннинг шариф суҳбатларида ўтирар эдилар. Ногоҳ Хожа ўринларидан туриб дедилар: “Мавлоно Ориф Хожа Муборак қишлоғида Мавлоно Баҳоуддин ҳузурида ўтирибдилар ва бизни чақирмоқдалар”. Дарҳол йўлга тушдилар. Ҳақиқатан ҳам, айтганларидек бўлиб чиқди.

### **АЛИ САФИЙНИНГ “РАШАҲОТ АЙН УЛ-ҲАЁТ” КИТОБИДА МАВЛОНО ОРИФ ДЕГГАРОНИЙ РАҲМАТУЛЛОҲ ТАЪОЛО ЗИКРИ**

Хизмати Амир Кулол тўрт халифаларидин иккиланчи халифа турурлар. Мавлиду мадфанлари Деггарон деҳаси турур. Ҳазора қасабасидинким, Оби Кўҳак лабида воқеъ турур ва ул ердин Бухороға тўққуз фарсахи шаръий турур. Ва Мавлоно Орифнинг қабри мубораклари деҳадин ташқари Ҳазора йўлининг устида турур.

Ва хизмати жаноби Амир Кулол алайҳир раҳма ойтурларким: “Манинг асҳобим аросида Ҳазрати Хожа Баҳоуддин ва хизмати жаноби Мавлоно Ориф, бу икки тан янглиғ бошқа киши йўқтур ва олар ҳаммадин гўй элтибдурлар”.

Ва Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло хизмати Амир Кулолдин ижозат топиб эрдиларким: “Ҳар ерда турку тожикдин машомингизға бўе етушса талаб қилинг ва талабгорлиқда ҳимматингиз мавжиға тақсир этманг”. Ул ижозатдин сўнг, олар ул нафаснинг мужибинча Мавлоно Орифининг суҳбатларида етти йил бўлдилар ва ул муддатида таъзиму тақдим била Мавлоно Орифға муомала этдилар. Ондоким, таҳорат вақти сув лабида Мавлоно Орифдин юқорида таҳорат этмас эрдилар. Ва йўллардаким, ҳамроҳ юрур эрдилар, оларнинг қадами устига қадам қўймас эрдилар ва мутобаат сувратида оларға мусоҳабат қилур эрдилар. Нечунким, Мавлоно Орифнинг Амир Кулол мулозаматларида Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)ға сабоқлари бор эрди. Ва Амир (Кулол) оларға Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)дин неча йиллар аввал тарбийатлар этиб эрдилар. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу ойтур эрдиларким: “Вақтеким, зикри хуфияға машғул бўлдим, ўттуз йил Ориф била бу жўстужўй ва такопўйда эрдим. Икки маротаба Ҳижозға сафар этулди. Ҳар ерга нишон бердилар кунжларда ва зовияларда югурдим. Агар Мавлоно Орифнинг мислини ё онинг донғини топмас эрди, келмас эрдим. Одам бўлсаким, онга ҳамзону бўлса ва сир била осмондин ўткан бўлса ва зоҳиру ботин била бу ерда машғул ўлтурғон бўлса”.

Рашҳа. Ҳазрати Мавлоно Орифнинг калимоти қудсияларидин турурким: “Ҳар ким тадбирининг бандидадур дўзах онга нақд турур ва ҳар ким Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг тақдири мутоласидадур беҳишт қапуси (нақд) турур”.

Рашҳа. Ойтдиларким: “Таом еган вақтда ҳар узв бир ишга машғул турур. Ва кўнгул қайси нимарсага машғул турур?”

Асхоблар айтдилар: “Ҳақ субҳонаҳу зикриға машғул”. Ойтдиларким: “Зикр бу вақтда “Аллоҳ” демак ва “Ло илоҳа иллаллоҳ” демак эрмастур, балким зикр бу маҳалда сабабдин мусаббибга кетмак ва неъматни мунъимдин кўрмоқдур”.

Мавлоно Амир Ашраф раҳимаҳуллоҳким, Мавлоно Орифнинг асхоблари махсусларидин эрди, нақл этибдурларким: “Бир кун бир одам Мавлоно Орифнинг хизматлариға ҳадея келтурди. Олар қабул этмадилар ва ойтдилар: “Ҳадея олмоқ одамиға раводурким, ул ишким, соҳиби ҳадянинг мақсудидир онинг ҳиммати юмни била кифоят бўлур ва манда ул ҳиммат йўқ”.

Ойтурлар: “Мавлоно Орифнинг Мавлоно Дарвиш Адрасканий одлиғ қариндошлари бор эрдиким, Мири Хурднинг тобеъларидан, Вобкандий эрди. Зикри жаҳрға иштиғоли бор эрди. Мавлоно Ориф онинг ёнимға бордилар, зикри жаҳрдин манъ этдилар. Қабул этмади. Мавлоно Ориф ойтдилар: “Агар қабул этмасанг, деҳқоний ўкузинг талаф бўлур”. Мавлоно Ориф сўзга илтифот этмади ва шул кун ўкузи ўлди. Бовужуди онинг била Мавлоно Дарвиш мумтаниъ бўлмади. Вобкандий азизларининг остоналариға кетди ва яна келди. Сўнгги кун яна бир ўкузи талаф бўлди. Ул икки аломатни кўргандин сўнг мутақоид бўлди ва Мавлоно Орифнинг ёнлариға келди. Мавлоно Ориф ойтдилар: “Бу байтни биздин ёд олинг.

Байт:

Кори нодон кутаҳ андеш аст,  
Ёд гирад касе, ки дар пеш аст”.  
(Нодоннинг иши калга ўйлашдир,  
Ақлли одам буни ёдида тутати).

Манқулдурким, бир кун Деггарон деҳасиға Оби Кўҳакдин сели азим келиб эрди, ондоғким, ул ваҳм бўлдики, деҳа-

ни сув олур. Одамлар қўрқдилар ва фиғон чекдилар. Мавлоно Ориф ташқари чиқуб, ўзларини селнинг раҳгузар жойиким, қаттиғ ва қувватлиғ оқар эрди, ул сувға ташладилар ва ойтдилар: “Агар қудратинг бўлса, мани оқизғил”. Дарҳол сокин бўлди ва арбадаси таскин топди.

Манқул турурким, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу Ҳижознинг аввалғи мартаба сафаридин қайтдилар, неча муддатилар Марвда бўлдилар ва Мовароуннаҳрдин асҳоблар жамъ бўлуб келдилар ва улў суҳбатлар қойим бўлди. Ул аснода Мавлоно Орифнинг ёнларидан қосиде етушдиким, Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)ға пайғом бериб йибориб эрдиларким: “Ўлтурғон бўлсангиз туринг ва агар турғон бўлсангиз равон бўлунгким, бизнинг кетмаклик вақтимиз яқин етушди, васийатларимиз бор турур”. Ва Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин) асҳобларни Марвда қўйдилар, ҳар тариқа таъжили тамом бирла Бухороға мутаважжиҳ бўлдилар, то Деггарон деҳасиға Мавлоно Орифнинг ёнлариға келдилар. Ҳазрати Мавлоно ҳозирларға ойтдиларким: “Манинг оларға сиррим бор турур, иккимиз бошқа бир уйга кирармиз ё сизлар бир уйга киринглар”. Ҳозирлар ойтдилар: “Сизда ожизлик бор турур, бизлар бошқа уйга кирармиз”. Ул вақт Мавлоно Ориф ул хилватда Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)ға ойтдиларким: “Сизнинг била бизнинг орамизда маълумдирким, иттиҳоди куллий бор эрди ва бор турур, агар ўртада ишқбозликлар ўткан бўлса, эмди вақт ахийр бўлди, ўз асҳобимга ва сизнинг асҳобингизга назар этдим, бу йўлнинг ва сифати нисбатининг қобилиятини хизмати Муҳаммад Порсода бошқалардин кўбрак кўрарман, ҳар назареким, касб била ҳосил этибман ҳаммасини онинг вақтиға нисор этдим ва онга топшурдим ва асҳобларимни онинг мутобаатиға амр қилурман ва сиз ҳам онинг ҳақида албатта бу маънида тақсир этмасизким, ул сизнинг асҳобларингиздин турур”. Ондин сўнг ойтдиларким: “Икки кун ё уч кун, андин зиёда эрмастур, ўз



қўлингиз била сув қозонларини ювингим, икки тизингиз била ўлтуринг ва ўзингиз ўт ёқиб, сувни иситинг ва манинг истейдодимни қилинг ва манинг нақлимдин сўнг учланчи куни қайтинг”.

Ҳазрати Хожа эҳтимоми била Мавлоно Орифнинг васоёларига қиём кўргуздилар. Оларнинг дафнидан уч кун ўткандин сўнг яна Марвфа мутаважжих бўлдилар.

Ва хизмати Мавлоно Орифнинг икки халифалари бор эрдиким, Мавлононнинг нақлларидин сўнг Худонинг бандаларини тариқи Ҳақға иршод этдилар ва рўшди рашод йўлини кўргуздилар.

## **МАВЛОНО БАҲОУДДИН ҚИШЛОҚИЙ**

Мавлоно Амир Ашраф ва Мавлоно Амир Ихтиёруддинким, Мавлоно Орифнинг хулафоларидин турурлар, олардин манқулдуким, ойтиб турурлар: “Бир кун Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу мабодий аҳволда Насаф вилоятида Хожа Муборакнинг қишлоқиға ва Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқийнинг хизматлариға келдилар, хизмати Мавлоно ойтдилар: “Мундоғ мурфеким, сан турурсан, санинг ёринг Ориф Деггароний турур?” Ҳазрати Хожа ойтдиларким: “Оларнинг суҳбатлари бу яқин (ора)да муяссар бўлур”. Ва Ҳазрати Хожаға Мавлоно Орифни танимоқнинг шавқи голиб бўлди ва ул замонда Мавлоно Ориф ўз деҳаларида эрдилар. Ва иттифоқо ул маҳалда асҳоблардин жамъи била бир ерга ғўза экиб юрур эрдилар, хизмати Мавлоно Баҳоуддин Ҳазрати Хожаға ойтдиларким: “Агар сизнинг хавотирингиз Орифға бўлса, овоз қилсак, албатта, келурлар”. Ва ташқари чиқиб бир ўчоқнинг устига чиқиб уч мартаба “Ориф!” деб овоз қилдилар. Мавлоно Ориф ул вақт кун ёримида ғўза экмоқдин қўл сақладилар ва асҳобларға ойтдилар: “Сизлар уй тарафига борингларким, Мавлоно Баҳоуддин

мани талаб қилдилар”. Бас, таъжили тамом бирла равон бўлдилар. Ул ёрим кунда ул суҳбатким, қишлоқда эрди, таом пишуруб эрдилар, ош пишгондин сўнг қозонни оташдондан тушурмасдин аввал етушдилар. Деггарон деҳаси била Хожа Муборакнинг қишлоқи аросида масофат қарийиб йигирма фарсах турур ва аввал мулоқатеким, Ҳазрати Хожа била Мавлоно Орифнинг ораларида даст берибдур, ул суҳбат эрди. Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: “Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий алайҳир раҳма улуғ эрдилар, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу иродатларининг бидоятда оларнинг суҳбатлариға бориб эрдилар. Олар ойтдиларким: “Бизга бир дарвише бордурким, ошхонаға ўтун келтурур, они кўрунг”. Ҳазрати Хожа ташқари чиқдилар ва ул дарвишни кўрдиларким, бир пушта қуруғ тиконни ялонғоч орқасиға кўтариб, саҳродин Мавлононинг ошхоналариға келтирур эрди ва пушти тиконни келтурмоқда онинг даъби ул эканким, яланғоч орқаси била келтурур эркан. Ва улким, хизмати Мавлоно Ҳазрати Хожани они кўрмаклариға ишорат этдилар, хизматда оларни камоли ихлосға танбиҳ этмак учун эрди”.

## ҲАЗРАТИ ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО

Ва ҳам Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу ойтдиларким: “Ҳижознинг йўлидаги мараздаким, Ҳазрати Хожа Бузругга воқеъ бўлуб эрди, васийатлар этдилар ва ул аснода бул мухлисға ҳузури асҳоби хитоб этдилар ва ойтдилар: “Ҳаққи ва омонатиким, Хожагон қаддасалоҳу арвоҳаҳум хонадонларининг хулафоларидин бу заифага етушуб эрди ва улчаким бу йўлда касб этиб турур, ул омонатни сизга топшурдим, ондоғким биродари диний Мавлоно Ориф алайҳир раҳма топшурдилар, қабул этмак керак. Ва ул омонатни Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг халқлариға етуштурмак керак”. Ул мухлис тавозуъ этни ва қабул қилди.

Вақтиким, сафари Ҳижоздин мурожаат этдилар, ҳузури асҳобда жамъенинг аросида ул мухлисға назари мўвҳибат этдилар ва муқаррар ойтдиларким: “Улчаким, бизда бор эрди, тамомисини олдинг”. Ва ондин сўнг ул мухлисға кун-кундин назари иноятни зиёда этар эрдилар.

Ва яна бир вақтда ойтибдурларким, улчаким, Мавлоно Орифнинг ҳақида ойтдилар, биз ҳам ойтурмиз онинг ва ул сўзда турурмиз, аммо онинг зуҳури бизнинг ихтиёримизнинг мавқуфи турур”. Ва охири ҳаётларида ойтдилар: “Нисбати маънийи ботинийким, ойтиб эрдим ва ишорат қилиб эрдим, албатта зуҳур этар, аммо ўзлик ва манлик йўлда монё турур, то ул ародин кўтарилсун”.

## **ТОҲИР ЭШОННИНГ “ТАЗКИРАЙИ НАҚШБАНДИЯ” КИТОБИДАН**

Куни эрдиким, Ҳазрати Мавлоно Ориф қуддиса сирруҳу сўрдиким, эй ёронлар, таъом ейган вақтда мўъминнинг ҳар аъзоси бир ишка машғул бўлур. Ул вақт дил қаю корға машғул бўлғусидур? Ёронлар айдилар, ул вақтда дил Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг зикрига машғул бўлғусидур. Ҳазрати Мавлоно айди: “Бу вақтда “ла илоҳа иллаллоҳ” демак, зикр эмасдур, балки, ул вақтда зикр қилмоқ сабаб, мусаббиха ўтмоқ ва неъматни, неъмат бергувчидин билмоқдур.

## **ФУЛОМ САРВАР ЛОҲУРИЙНИНГ “ҲАЗИНАТ УЛ- АСФИЁ” КИТОБИДАН**

Нақлдурким, Хожа Ориф раҳматуллоҳ алайҳининг ақроболаридин бир дарвиш зикри жаҳрига машғул бўлди. Хожа Ориф анинг қошиға бориб жаҳрий зикридин манъ қилди ва айдики: “Зикри жаҳрий андоғ одамға муносибдурким, тили

ялгон сўз демакдин ва ғийбатдин нок бўлса, ушбу ҳолда зикри жаҳрий раводур. Ул дарвиш Ҳазрати Хожанинг сўзин қабул қилмади ва то Хожа они уч мартаба манъ қилди. Ул қабул қилмади. Оқибат Ҳазрати Хожага айдиким, ҳоло ҳам, эй фалоний, зикри жаҳр айтур эрсанг, ҳамма от ва молларинг ўлурлар! Ул одам яна Ҳазрати Хожанинг сўзин қабул қилмайин зикрга машғул бўлди. Эrsa ҳамма моллари ўлдилар. Ул одам Хожаи Азизонийнинг хизматига ҳозир бўлуб, Хожа Ориф алайҳир раҳмадин шикоят айтди. Хожа Азизоний айдиким: “Эй дарвиш, ҳоло ҳам мақсудинг яхши амр бўлса Хожа Орифнинг хизматига бориб ўтган амринг учун узр қилғил, эмди қилур амринг учун истиғфор айтғил”. Ложарам (чорасиз) Хожа Орифнинг хизматига ул дарвиш дохил бўлуб, узрлар айтиб, тавба қилди. Эrsa Хожа Ориф дуо қилиб айдиким: “Эй дарвиш, сенинг оту молларингга Аллоҳу таъоло баракот бергай” Ул Ҳазратнинг дуоси баракотидин ул дарвишнинг молу ашёлари андак замонда бисёр бўлди. Дарвиш бечора ҳам зикри жаҳрини тарк қилиб, зикри хуфяға машғул бўлди.

Ориф Деггароний Хожагон таълимоти тариқийда Хожа Муҳаммад Порсонинг «Зикри жаҳрия» га йўл тутиш мумкинлигига фатво ёзганига қарамай, ҳамонаки, «Зикри Хуфия» ни тарғиб этади.



## ОРИФИ ДЕГГАРОНИЙ

Орифи Деггароний - авлиёлар султони,  
Юрагида гул очди тасаввуфнинг бўстони,  
Кеча – кундуз тилларда ишқ бобида достони,  
Аҳли илм зотларнинг ҳақиқий дилситони,  
Деггарон аҳли учун бўлди қутлуғ остони.

Ўн тўртинчи асрда Деггаронда туғилди,  
Илму ирфонга тўла хонадонда туғилди,  
Маърифатлар гул очган бир замонда туғилди,  
Деггарондек қутлуғ бир остонда туғилди,  
Яна шу ерда ўтди унинг ёшлик даврони.

Деггаронким, гулларга тўла бир макон эди,  
Улуғ зотлар йиғилган ажиб бир жаҳон эди,  
Одий халқи зироат бобида деҳқон эди,  
Фитнаю балолардан ҳамиша омон эди,  
Ориф учун бу қишлоқ эди жону жаҳони.

Баҳоуддин Қишлоқий - Деггарон авлиёси,  
Ҳадис илми бўйича ўз даврининг аълоси,  
Деггароний қалбининг бўлди гўё давоси,  
Жўшди ундан қалбига илму ирфон дарёси,  
Қолмади ҳеч қалбида асло унинг армони.

Баҳоуддин Қишлоқий ўғлим деб қабул қилди,  
Тасаввуфнинг йўлини Орифга мақбул қилди,  
Қанча улуғ китобдан ҳикматни манқул қилди,  
Илму ирфон йўлини йигитга маъқул қилди,  
Охири бўлди Ориф илму ирфон сарбони.

Баҳоуддин Нақшбанд Ориф учун дўст бўлди,  
Бирлари мағиз бўлса, бошқа бири пўст бўлди,  
Бир-бирига ёрдамдан ишлари дуруст бўлди,  
Шариатнинг илмида бекаму бекўст бўлди,  
Бир-бирининг бўлдилар дорию ҳам дармони.

Нақшбандким, Орифга етти йиллик ёр бўлди,  
Қишлоқийдан дарс олиб, юраги баҳор бўлди,  
Ҳадис илми бўйича дарслари такрор бўлди,  
Қишлоқий бу иковга отадек ғамхор бўлди,  
Ҳар икковнинг танига бўлди руҳи равони.

Яна таълим олдилар иков Амир Кулолдан,  
Насиб бўлди иковга фазилату камолдан,  
Тақволар ҳосил бўлди тариқатда ҳалолдан,  
Ибодатлар бобида қутулдилар малолдан,  
Ҳосил бўлди уларда илми ҳол фаровони.

“Асҳобларим ичида фазилатда аълоси,  
Орифу Баҳоуддин икковидур авлоси”,  
Бу сўзларни дедилар замона муқтадоси,  
Яъни Амир Кулолнинг зиёд бўлди парвоси,  
Тасаввуфнинг бобида бўлдилар нуктадони.

Мавлоно Ориф элга илму ирфон тарқатди,  
Одамийлик бобидан олий нишон тарқатди,  
Мурувватдан қалбларга гўёки жон тарқатди,  
Сўз мулкидан эл учун гўё маржон тарқатди,  
Бу билан бўлди элнинг маҳбубу қадрдони.

Амир Ашраф Бухорий халиф эди аввали,  
Халифалар ичида авлою мукаммали,  
Жонишини бўлдилар Ориф ўлган маҳали,

Тариқатда мустаҳкам эди анинг амали,  
У орқали эл ичра қолди бу зот нишони.

Амир Ихтиёруддин маҳбуби жон эдилар,  
Иккинчи халиф эди, қадри осмон эдилар,  
Мавлоно Ориф учун кўп меҳрибон эдилар,  
Пиридан сўнг элига пири замон эдилар,  
Хизмат қилди эл учун муриди навжувони.

“Рашаҳот”да Орифнинг баён эрур аҳволи,  
Қудсий калимотининг асло йўқдир заволи,  
Ҳамон нур таратмоқда анинг бадри ҳилоли,  
Деггаронда мавжуддир анинг қабри жалоли,  
Зиёратгоҳи олий валий ётган макони.

Жасадини ювдилар Нақшбанднинг ўзлари,  
Шундай эди Орифнинг ўз васият сўзлари,  
Дафндан сўнг турдилар уч кеча-кундузлари,  
Васиятни бажариб ёруғ бўлди юзлари,  
Бироқ дўстдан айрилиб чок бўлди гирибони.

Қабри муборагидан зиё доим таралар,  
Дилга ором берувчи сафо доим таралар,  
Мажруҳ юраклар учун даво доим таралар.  
Диёнатга чорловчи нидо доим таралар,  
Азизу мукаррамдир анинг ётган макони.

Юзланса ким руҳига дилда ором сезади,  
Табиатни покловчи ажиб илҳом сезади,  
Юрагида бу зотга кўп эҳтиром сезади,  
Гўё жаннат ҳидини дилда мудом сезади,  
Хаста дилларнинг ҳамон мўмиёву дармони.

Қудуғидан ичса сув жонга роҳат бағишлар,  
Гўё жаннат сувига бир ишорат бағишлар,  
Бошингдан то оёққа чун ҳаловат бағишлар,  
Ҳар бир томчи сувлари бир башорат бағишлар,  
Дейсан гўё бу қудуқ саодатлар уммони.

Бу маконда қанчалаб улуғ зотлар изи бор,  
Мисли Амир Кулолдек қутлуғ зотлар изи бор,  
Нақшбанддек камолга тўлуғ зотлар изи бор,  
Деггарондек илмда бўлуғ зотлар изи бор,  
Ҳар бир қаричда улуғ азизларнинг нишони.

Бунда бордир бир масжид, файзи Раҳмон тарқалар,  
Яхшиларнинг қалбига ундан дармон тарқалар,  
Субҳидамда эл учун доим озон тарқалар,  
Тоат қилиб халойиқ амну амон тарқалар,  
Гўёки ушбу масжид файзу футуҳ осмони.

Имом эрур бу кунда бир яхши зот - Саъдуллоҳ,  
Орзу қилар бу ерга бермоқ ҳаёт Саъдуллоҳ,  
Ҳар томонга чопади неча каррот Саъдуллоҳ,  
Кеча-кундуз тинмайин излар нажот Саъдуллоҳ,  
Уни обод қилмоқлик орзу била армони.

Мутавалли бу ерда Эркиндир, ўзи Ҳожи,  
Мақсадидур дилида Деггароннинг ривожи,  
Кеча-кундуз ҳар ердан қидирмоқда иложи,  
Шояд топилса анинг излаган эҳтиёжи,  
Тилидан тушмас асло Деггароннинг достони.

Собиқ тузум даврида хароб бўлди бу макон,  
Эътибори йўқолди, сароб бўлди бу макон,  
Харобага юз тутди, туроб бўлди бу макон,



Азиз кишилар учун азоб бўлди бу макон,  
Ободон айламоққа йўқ эди ҳеч имкони.

Бу иковлон бу ерни аста обод қилмоқда,  
Халойиққа ёрдам деб, бонгу фарёд қилмоқда,  
Эли билан бирлашиб бино бунёд қилмоқда,  
Собиқ тузум таъсирин аста барбод қилмоқда,  
Пайдо бўлар бу ерда Деггароннинг бўстони.

Бугун юртда истиқлол, Деггарон ҳам шод бугун,  
Орифи Деггроний ёди дилда ёд бугун,  
Юртимга қайтиб келди адлу инсоф дод бугун,  
Бир-бирига одамлар айлагай имдод бугун,  
Қайтар яна бу ерга ул қадимий даврони.

Бугун покдил одамлар Орифга назар қилур,  
Улуғ қабри ёнидан оҳиста гузар қилур,  
Бу муршиди комилнинг руҳлари асар қилур,  
Бу асар оддий тошни бир зари аҳмар қилур,  
Чунки бу ерда мадфун валоят ошиёни.

Авлиёни зиёрат қилсанг руҳи ҳозирдур,  
Сен кўрмайсан, у кўрар, сенга доим нозирдур,  
Фотиҳангга мунтазир, қилган дуонг манзурдур,  
Илтифотлар айлагай, қўлни очиб розидур,  
Келганларнинг бошига ёғар раҳмат борони.

Деггароний ҳақида китобларни ўқидим,  
У зот бизларга қилган хитобларни ўқидим,  
Ваҳдат майидан ичган шаробларни ўқидим,  
Бу йўлда азоб чеккан аҳбобларни ўқидим,  
Дилимдан қайнаб чиқди меҳру муҳаббат кони.

**Насиб қилди охири, зиёратга азм этдим,  
Кўзга суртдим тупроғин, фотиҳага жазм этдим,  
Қалам олиб қўлимга авсофини назм этдим,  
Махдум, тўлдим сурурга, чун Илоҳий базм этдим,  
Мавлоно Ориф бўлди дostonим қаҳрамони.**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ**



## ХОТИМА

Озод ва ҳур Ўзбекистонда маънавий меросимизни ўрганиш, қадриятларимизни қайта тиклаш ва комил инсонни тарбиялаш борасида улуғ ишлар амалга оширилмоқда. Ўтмишда яшаган, бироқ «қизил тузум» даврида қора чап-ланган улуғ алломаларни ҳаётга қайта қайтариш ишлари юксак даражада амалга оширилди ва оширилмоқда. Амир Темур ҳамда темурийларнинг «оқланиб», улар томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари атрофлича ўрганилмоқда. Ибн Сино, Беруний, Форобий, ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, Мотуридий, Бурҳонуддин ал-Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Фиждувоний, Нажмуддин Кубро, аз-Замахшарий, Хожа Аҳрор каби ўнлаб мутафаккирларнинг тўйлари ўтказилиб, асарлари ўрганилди ва нашр қилинди.

Ўтган йили Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги ва Қаршининг 2700 йиллик тўйлари бўлиб ўтди. Бу йил эса Самарқанд ҳамда Марғилоннинг тўйлари ҳам бўлиб ўтади. Юртимиз кўплаб тарихий обидаларга ҳамда улуғ олимларга бой бўлиб, ҳали кўплаб олимларнинг ижоди ва асарлари ўрганилиши керак. Шулардан бири Мавлоно Ориф Деггаронийдир.

Вазирлик Маҳкамасининг кўрсатмаси ва Навоий вилоят ҳокимиятининг ташаббуси билан Деггарон қишлоғидаги тарихий Жомеъ масжидининг таъмирланиши, Мавлоно Ориф Деггароний ижоди ва фаолиятини ўрганишга киришилиши, унинг хожагон тариқати тарихида тутган ўрнини, маънавий ҳаётни ривожлантиришдаги меҳнатларини кўрсатиб бериш учун амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳам таҳсинга сазовордир.


Навоий вилоятида яшаган улуғ алломаларнинг ҳаётини ўрганиш йўлида, аввало, вилоят ҳокимияти раҳбарлари, На-

войи Давлат педагогика институтининг раҳбарияти, хусусан, институтнинг «Ижтимоий фанлар» кафедраси мутасаддиси, фал.ф.н., доцент Нигора Сафарованинг олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

Биз Навоий вилоятига 2003 йили ташриф буюриб, юқорида таъкидлаганимиздек, маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихига оид ажойиб ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлган эдик. Мана орадан тўрт йилча вақт ўтиб, яна хушxabар олдик. Навоий Давлат педагогика институтининг ректори Холбой Ибрагимович Ибрагимовнинг саъйи ҳаракати билан Мавлоно Ориф Деггаронийга бағишланган илмий-анжуманига тайёргарлик кўрилаётган экан. Албатта, бундай хайрли ишларда тажрибалик раҳбар, жон куяр инсон Навоий вилоят ҳоқими Баҳриддин Муртазоевич Рўзиевнинг ғамхўрлиги алоҳида таҳсинга лойиқдир.


Ушбу рисола муаллифлари мазкур рисоланинг вужудга келиши ва илмий жамоатчилик орасида тарқалишига ҳисса қўшган вилоятдаги барча кишиларга ўз миннатдорчиликларини изҳор қилиб, бу хайрли ишларда уларга муваффақиятлар тилаб қоладилар.






**Мавлоно Ориф мақбараси.**





**Мавлоно Ориф чиллахонаси.**





Ўша замон давридаги масжид.



## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	3
<b>I БОБ. НАВОИЙ ШАҲРИГА САФАР .....</b>	<b>5</b>
Тошмасжиднинг очилиши .....	6
Андоқий ҳақидаги рисоланинг туғилиши .....	7
Илмий анжуманнинг очилиши .....	9
Ғиждувоний (шеър) .....	10
Деггарон зиёрати .....	14
<b>II БОБ. ДЕГГАРОНИЙ СУВ ИЧГАН ЧАШМАЛАР .....</b>	<b>18</b>
Тасаввуф нима? .....	18
Тасаввуф сўзининг маъноси .....	19
Тариқатлар .....	20
Силсила .....	21
Хожа Юсуф Ҳамадоний .....	21
Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний .....	23
Мавлоно Ориф Ревгарий .....	25
Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий .....	29
Хожа Али Ромитаний .....	31
Хожа Муҳаммад Бобо Саммосий .....	34
Саййид Амир Кулол .....	36
<b>III БОБ. МАВЛОНО ОРИФ ДЕГГАРОНИЙ .....</b>	<b>39</b>
Табаррук манбалар .....	39
Деггарон қишлоғи ва Мавлоно Ориф .....	40
Мавлоно Орифнинг дастлабки пири .....	41
Мавлоно Орифнинг халифалари .....	42
Мавлоно Орифнинг сифатлари .....	43
Қабр устидаги мулоҳазалар .....	44
Деггарон ва Шоҳ Нақшбанд .....	46
Деггаронийнинг каромати .....	51



Мавлоно Орифнинг ёши .....	52
<b>IV БОБ. ДЕГГАРОНИЙ ҲАҚИДА ЁЗИЛГАН ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДАГИ МАЪЛУМОТЛАР .....</b>	<b>54</b>
Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақш- банд” китобидан .....	54
Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” китобидан	
Мавлоно Ориф Деггароний раҳматуллоҳи таъоло зикри .....	61
Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий .....	65
Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо .....	66
Тоҳир Эшоннинг “Тазкирайи нақшбандия” китобидан .....	67
Фулом Сарвар Лоҳурийнинг “Хазинат ул-асфие” китобидан ...	67
Маҳмуд Ҳасаний. Орифи Деггароний (шеър) .....	69
Хотима .....	75

ҲАМИДХОН ИСЛОМИЙ  
МАҲМУДХОН ҲАСАНИЙ

## МАВЛОНО ОРИФ ДЕГГАРОНИЙ

Фалсафий-тарихий нашр

Муҳаррир: *Карим Норматов*

Компьютерда саҳифаловчи: *Диёр Охунджонов*

Босишга 09.02.2007 да рухсат этилди.  
Шартли босма табағи 5,1. Буюртма рақами 42.  
Адади 300 нусха  
Баҳоси келишилган нарҳда.

ФААК босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: И. Мўминов 13-уй. Тел.: 162-13-47.